БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 59 (18.835). • Чоршанба, 7 март 1984 йил • Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АХБОРОТИ

ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА 1984 ЙИЛ 4 МАРТДА БЎЛИБ ЎТГАН САЙЛОВНИНГ ДАСТЛАБКИ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Марказий сайлов комиссияси ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советига бўлиб ўтган сайловнинг якунлари тўғрисида округ сайлов комиссияларидан дастлабки маълумотларни олди.

Округ сайлов комиссияларининг ахборотларига кўра, 1499 сайлов округида: Иттифоқ Советига

(Давоми иккинчи бетда).

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АХБОРОТИ

Ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советига 1984 йил 4 мартда ўтказилган сайлов якунлари тўғрисида

1984 йил 6 март куни Марказий сайлов комиссияси ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советига ўтказилган сайлов натижалари тўғрисида округ сайлов комиссияларидан олинган маълумотларни кўриб чиқиб, сайлов округларининг ҳаммасида сайлов СССР Конституциясининг ҳамда СССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги Қонун талабларига тўла мувофиқ равишда ўтказилганлигини аниқлади.

Мамлакат давлат ҳокимияти олий органига сайлов кампанияси ҳамма жойда омманинг КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорларини амалга оширишга қаратилган сиёсий активлиги ва меҳнат ғайрати ғоят жўш урган вазиятда ўтди. Сайлов кампанияси совет халқининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва унинг ленинчи Марказий Комитети теварагида маҳкам жипслашганлигини яққол намойиш этди.

Меҳнаткашларнинг ғоят кенг иштирокида сайловга тайёргарлик кўрилди ва ўтказилди. Миллионлаб совет граждан-лари сайлов комиссияларида, ишончли вакиллар, агитаторлар ва пропагандистлар бўлиб актив ишладилар. Кўпдан-кўп сайловолди йиғилишлари давомида депутатликка номзодларнинг сиёсий ва ишчанлик фазилатлари эркин ҳамда атрофлича муҳокама қилинди, сайловчилар уларга наказлар бердилар, давлат ва хўжалик органларининг ишини янада яхшилашга, интизом ва тартибни мустаҳкамлашга қаратилган мулоҳазалар ва таклифларни айтдилар.

Марказий сайлов комиссияси Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари тақдим этган протоколлар асосида умуман мамлакатда СССР Олий Советига ўтказилган сайловнинг узил-кесил якунларини аниқлади.

Сайлаш учун сайловчилар рўйхатига 184.029.412 киши киритилган эди. 184.006.373 сайловчи ёки 99,99 процента овоз беришда қатнашди.

Иттифоқдош республикаларда ўтказилган сайловда сайловчиларнинг қандай иштирок этганлиги қуйидаги маълумотлар билан характерланади:

Иттифоқдош республикалар	Жами сайловчилар	Сайловда қатнашганлар	Процент ҳисобида
РСФСР	100.831.345	100.810.981	99,98
Украина ССР	36.373.777	36.372.499	99,99
Белоруссия ССР	6.969.339	6.969.002	99,99
Ўзбекистон ССР	8.458.625	8.458.595	99,99
Қозоғистон ССР	9.161.902	9.161.702	99,99
Грузия ССР	3.315.139	3.315.078	99,99
Озарбайжон ССР	3.439.790	3.439.776	99,99
Литва ССР	2.377.998	2.377.813	99,99
Молдавия ССР	2.674.440	2.674.206	99,99
Латвия ССР	1.863.888	1.863.760	99,99
Қирғизистон ССР	2.001.643	2.001.597	99,99
Тожикистон ССР	2.079.178	2.079.122	99,99
Арманистон ССР	1.854.613	1.854.562	99,99
Туркманистон ССР	1.531.610	1.531.609	99,99
Эстония ССР	1.096.125	1.096.071	99,99

ИТТИФОҚ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЯКУНЛАРИ

Иттифоқ Советига сайлов ўтказиш учун СССР территориясида 750 сайлов округи тузилган эди. 750 сайлов округида сайлов бўлиб ўтди.

Иттифоқ Совети депутатлигига номзодлар учун 183.897.278 сайловчи овоз берди, бу эса 99,94 процентни ташкил этади. 109.072 сайловчи номзодларга қарши овоз берди. СССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 54-моддасига мувофиқ 17 сайлов бюллетени ҳақиқий эмас деб топилди.

Иттифоқ Советига сайлов вақтидаги овоз бериш натижалари қуйидагича бўлди:

Иттифоқдош республикалар	Депутатликка номзодлар учун берилган овозлар: абсолют рақамларда	процент ҳисобида	Депутатликка номзодларга қарши берилган овозлар сони	Ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар сони	Сайланган депутатлар
РСФСР	100.717.650	99,91	93.320	11	405
Украина ССР	36.367.315	99,99	5.184	—	144
Белоруссия ССР	6.967.816	99,98	1.185	—	28
Ўзбекистон ССР	8.457.097	99,98	1.495	3	39
Қозоғистон ССР	9.157.703	99,96	3.999	—	41
Грузия ССР	3.314.931	99,99	147	—	14
Озарбайжон ССР	3.439.765	99,99	11	—	15
Литва ССР	2.377.511	99,99	302	—	9
Молдавия ССР	2.673.518	99,97	688	—	11
Латвия ССР	1.863.284	99,97	470	2	7
Қирғизистон ССР	2.000.264	99,93	1.333	—	9
Тожикистон ССР	2.078.850	99,99	272	—	9
Арманистон ССР	1.854.499	99,99	63	—	8
Туркманистон ССР	1.531.459	99,99	149	—	7
Эстония ССР	1.095.616	99,96	454	1	4

Иттифоқ Советига сайлов ўтказилган барча сайлов округларида овозга қўйилган номзодлар мутлақ кўпчилик овоз олдилар ва депутат қилиб сайландилар.

Иттифоқ Советига жами 750 депутат сайланди.

МИЛЛАТЛАР СОВЕТИГА САЙЛОВ ЯКУНЛАРИ

Миллатлар Советига сайлов ўтказиш учун барча иттифоқдош ва автоном республикалар, автоном областлар ва автоном округлар территориясида СССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги Қонунга мувофиқ 750 сайлов округи, шу жумладан ҳар бир иттифоқдош республикада 32 тадан округ, ҳар бир автоном республикада 11 тадан округ, ҳар бир автоном областда 5 тадан округ ва ҳар бир автоном округда биттадан сайлов округи ташкил қилинган эди. Сайлов 749 сайлов округида ўтказилди. Қозоғистон ССРдан Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи 138-Жамбул сайлов округида депутатликка номзод вафот этганлиги муносабати билан сайлов ўтказилмади. Мазкур округда сайлов яқин вақтда ўтказилади.

Миллатлар Советига сайлов ўтказилганида овоз бериш натижалари қуйидагича бўлди:

ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРДАН

Иттифоқдош республикалар	Депутатликка номзодлар учун берилган овозлар сони: абсолют рақамларда	процент ҳисобида	Депутатликка номзодларга қарши берилган овозлар сони	Ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар сони	Сайланган депутатлар
РСФСР	100.707.315	99,92	80.857	10	32
Украина ССР	36.367.325	99,99	5.174	—	32
Белоруссия ССР	6.967.698	99,98	1.304	—	32
Ўзбекистон ССР	8.456.855	99,98	1.734	6	32
Қозоғистон ССР	8.863.518	99,96	3.584	—	31
Грузия ССР	3.314.915	99,99	160	—	32
Озарбайжон ССР	3.439.727	99,99	49	—	32
Литва ССР	2.377.482	99,99	330	—	32
Молдавия ССР	2.673.337	99,97	869	—	32
Латвия ССР	1.863.375	99,98	384	1	32
Қирғизистон ССР	2.000.454	99,94	1.143	—	32
Тожикистон ССР	2.078.850	99,99	266	—	32
Арманистон ССР	1.854.486	99,99	76	—	32
Туркманистон ССР	1.531.347	99,98	262	—	32
Эстония ССР	1.095.499	99,95	571	1	32
Барча иттифоқдош республикалар бўйича	183.592.183	99,95	96.763	18	479

АВТОНОМ РЕСПУБЛИКАЛАРДАН

Автоном республикалар	Депутатликка номзодлар учун берилган овозлар сони: абсолют рақамларда	процент ҳисобида	Депутатликка номзодларга қарши берилган овозлар сони	Ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар сони	Сайланган депутатлар
Абхазия АССР	325.824	99,99	20	—	11
Ажария АССР	217.630	99,97	60	—	11
Бошқирдистон АССР	2.568.724	99,89	2.794	—	11
Бурятия АССР	631.180	99,92	488	—	11
Дағистон АССР	902.289	99,98	214	—	11
Қабарда-Балқария АССР	441.892	99,96	192	—	11
Қалмоқ АССР	193.018	99,66	650	—	11
Қорақалпоғистон АССР	451.969	99,99	25	—	11
Карелия АССР	518.748	99,82	932	—	11
Коми АССР	749.897	99,93	517	—	11
Мари АССР	491.702	99,94	292	—	11
Мордва АССР	666.440	99,99	79	—	11
Нахичеван АССР	144.858	100,00	—	—	11
Шимолий Осетия АССР	391.946	99,95	207	—	11
Татаристон АССР	2.369.508	99,77	5.485	—	11
Тува АССР	152.707	99,93	106	—	11
Удмуртия АССР	1.023.292	99,92	787	—	11
Чечен-Ингушия АССР	670.820	99,93	477	—	11
Чувашия АССР	830.574	99,82	1.476	—	11
Якутия АССР	427.062	99,84	686	—	11
Барча автоном республикалар бўйича	14.170.080	99,89	15.487	—	220

АВТОНОМ ОБЛАСТЛАРДАН

Автоном областлар	Депутатликка номзодлар учун берилган овозлар сони: абсолют рақамларда	процент ҳисобида	Депутатликка номзодларга қарши берилган овозлар сони	Ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар сони	Сайланган депутатлар
Адигей автоном области	291.269	99,98	56	—	5
Тоғли Олтой автоном области	114.829	99,96	41	—	5
Тоғли Бадахшон автоном области	64.222	100,00	—	—	5
Яҳудийлар автоном области	137.217	99,95	66	—	5
Қорачой-Черкасия автоном области	254.659	99,79	545	—	5
Тоғли Қорабоғ автоном области	101.337	100,00	—	—	5
Хакасия автоном области	346.964	99,95	160	—	5
Жанубий Осетия автоном области	61.053	99,99	8	—	5
Барча автоном областлар бўйича	1.371.550	99,94	876	—	40

АВТОНОМ ОКРУГЛАРДАН

Автоном округлардан Миллатлар Совети депутатлигига кўрсатилган номзодлар учун 1.218.728 сайловчи овоз берди, бу эса овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг 99,92 процентини ташкил этади. 976 сайловчи қарши овоз берди. Ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенлари бўлмади.

Шундай қилиб, Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи сайлов округларида овозга қўйилган номзодлар овозларнинг мутлақ кўпчилигини олдилар ва депутат қилиб сайландилар. Миллатлар Советига жами 749 депутат, шу жумладан иттифоқдош республикалардан 479 депутат, автоном республикалардан 220 депутат, автоном областлардан 40 депутат ва автоном округлардан 10 депутат сайланди.

Марказий сайлов комиссияси СССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 58-моддасига мувофиқ 1499 сайлов округининг ҳаммасида ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советига сайланган депутатларни, шу жумладан, Иттифоқ Советига 750 депутатни ва Миллатлар Советига 749 депутатни рўйхатга олди.

Депутатлар составида 527 ишчи, ёки 35,2 процент, 242 колхозчи, ёки 16,1 процент, ишчилар билан колхозчилар жами 769 киши, ёки 51,3 процентдир. Депутатлар орасида КПСС аъзолари ва аъзоликка кандидатлар 1071 киши, ёки 71,4 процент, партиясизлар 428 киши, ёки 28,6 процент, хотин-қизлар 492 киши, ёки 32,8 процентдир. 30 ёшга етмаган депутатлар 331 киши, ёки 22,0 процент, ВЛКЁМ аъзолари 225 киши, ёки 15,0 процентдир.

СССР Олий Советига сайлов якунлари, мамлакат давлат ҳокимиятининг олий органига коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари якдиллик билан сайланганлиги — партия ва халқнинг монолит бирлигини, меҳнаткашлар КПСС билан Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатини тўла-тўкис қўллаб-қувватлаётганлигини кўрсатувчи янги ёрқин далилдир. Сайлов ривожланган социализм жамиятининг чуқур демократизми, совет халқи коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида янгидан янги муваффақиятларга сабот-матонат билан эришишга қатъий аҳд қилганлигини яққол кўрсатди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ К. У. Черненко 6 март куни партия Марказий Комитети аппаратининг ходимлари билан учрашди.

Учрашувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари М. С. Горбачев, Г. В. Романов, М. С Соломенцев; КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар В. И. Долгих, Б. Н. Пономарев; КПСС Марказий Комитетининг секретарлари М. В. Зимянин, Е. К. Лигачев, Н. И. Рижков иштирок этдилар. Ўртоқ К. У. Черненко катта нутқ сўзлади. Нутқда партия комитетларининг партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорлари асосидаги энг муҳим вазифалари белгилаб берилди.

КПСС Марказий Комитети 1984 йил февраль Пленуми, СССР Олий Советига сайлов, деди К. У. Черненко, партия билан халқнинг бузилмас бирлигини, партия сафларининг метиндек жипслигини ёрқин намойиш этди. Белгиланган йўлдан олға боришгина қолмай, шу билан бирга уни ижодий, дадил ривожлантиришга бўлган азму қарор ана шу бирликнинг асосий ифодасидир. Партиямизнинг ленинча анъаналари мана шундай, сиёсатдаги давомийликнинг моҳияти мана шундайдир.

КПСС Марказий Комитети коллектив равишда ишлаб чиқилган йўлни амалга ошира бориб, партия билан халқнинг куч-ғайратини халқ хўжалиги самарадорлигини оширишга, идеология ишини яхшилашга, етук социализмни такомиллаштиришнинг барча жараёнларини кучайтиришга, жаҳон майдонида Совет Иттифоқининг позицияларини янада мустаҳкамлашга қаратмоқда.

Партия ва давлатнинг олий органлари ҳамиша бўлганидек, экономикани ривожлантиришга ғоят зўр эътибор бераверишлари таъкидлаб ўтилди. Ҳозир шундай ишлаш муҳимки, 1984 йилга белгиланган топшириқлар бажарилишигина эмас, шу билан бирга ошириб бажарилиши ҳам таъминланиши зарур. Бунинг учун халқ хўжалигимизнинг барча имкониятларидан фойдаланиш, қолоқ участкаларни ўз вақтида кўтариш зарур. Уюшқоқлик билан интизомни муттасил ошира бориш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқариш қувватларининг тўлиқ ишлатилишини таъминлаш, ҳамма жойда тежамкорлик режимини кучайтириш каби асосий резервлардан актив фойдаланиш керак.

Озиқ-овқат ва Энергетика программалари қандай бажарилаётганлиги, айрим тармоқларни ривожлантиришдаги номутаносибликлар, капитал қурилиш ва транспортдаги танг жойлар қандай бартараф этилаётганлиги Марказий Комитет Сиёсий бюроси билан Секториятининг доимо диққат марказида турибди.

Истиқболдаги масалаларга ҳам биринчи даражали аҳамият берилмоқда. Ўн иккинчи беш йилликка мўлжалланган халқ хўжалик планини ва 2000 йилгача бўлган концепцияларни ишлаб чиқиш, халқ хўжалигини бошқаришни такомиллаштириш шулар жумласидандир.

Партия идеологияси иши соҳасида принципиал муҳим аҳамиятга молик вазифани ҳал этмоқда. Аввало, бу янги таҳрирдаги КПСС Программасини тайёрлашга, КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленуми Ўртага қўйган вазифаларнинг бутун комплексига тааллуқлидир. Биз мактабни ислоҳ қилишга катта аҳамият бермоқдамиз.

Тащки сиёсат соҳасидаги фаолиятда бундан буён ҳам ер юзида мустаҳкам тинчликни таъминлашга, уруш хавфининг олдини олишга қаратилган конструктив йўлни ривожлантира бериш муҳимдир. Ватаннинг ишончли мудофаасини таъминлаш — партиянинг совет халқи олдидаги энг биринчи бурчидир.

Ўртоқ К. У. Черненко мамлакат олдида турган вазифаларнинг ҳал этилиши партия раҳбарлиги даражасини оширишга бевосита боғлиқ эканлигини уқтирди. Шу муносабат билан партиявий иш услуби ва методларини янада яхшилаш тўғрисидаги масала кун тартибига қўйилмоқда.

Партия аппарати — Марказий Комитетдан бошлаб район комитетигача КПСС сиёсатини амалга оширишда, жамиятни ривожлантириш мураккаб жараёнларини бошқаришда ҳар бир комитетнинг хоҳиш-иродасини ифода этувчи воситадир. Партия унинг ҳар бир ходимига нисбатан алоҳида талаблар қўяди. Коммунист учун партия аппаратида ишлаш — катта шараф бўлиш билан бир вақтда зўр масъулият ҳамдир.

Ўртоқ К. У. Черненко сўнгра партия комитетлари кўп қиррали фаолиятининг энг муҳим масалаларига тўхталиб, бу фаолиятни такомиллаштиришда сира ҳам турғунлик бўлиши мумкин эмаслигини таъкидлади. Партия ходимлари ҳар бир навбатдаги вазифани белгилаб олишда ҳамиша Ленин васиятларига мурожаат этишлари, ленинча услуба муттасил амал қилишлари ва ҳамма ишда шу услубни қарор топтиришлари зарур.

Биринчи навбатда партия аппарати КПСС йўлининг сўзсиз амалга оширилишини, Марказий Комитет қарорлари бажарилишини таъминлаши, ижронинг жамики бўғинларида шу ишнинг пешқадами бўлиши керак, бу эса унинг бош вазифасидир. Хўжалик ва маданий қурилиш тенденцияларини чуқур таҳлил этиш бу фаолиятга асос қилиб олиниши лозим. Шу тенденцияларни ўз вақтида ва сезгирлик билан пайқаб олиш, яхши ўйланган таклифлар ва амалий тавсияларни киритиш зарур.

Партия комитетлари ўз ишида шунга асосланишлари шартки, улар сиёсий органлар бўлиб, сиёсий воситалардан фойдаланадилар. Улар вазифаларнинг бажарилишини хўжалик ва совет органларидан ташқари эмас, балки улар орқали уюштирадилар.

Кадрларни танлаш, жойжойига қўйиш ва тарбиялашни яхшилаш партия комитетларининг энг муҳим вазифасидир. Кадрларга нисбатан талабчанлик муттасил ортиб бормоқда. Аввало, партия ғояларига содиқлик, ишни чуқур билиш, ташкилотчилик қобилиятлари, юксак маданият, кенг кўламда фикр юритиб янгиликни ҳис эта билиш ва уни амалда билиб олиш қобилияти ҳозирги раҳбарга хос фазилатлар бўлиши лозим, деди Ўртоқ К. У. Черненко. Кадрларни шу нуқтаи назардан тарбиялаш, уларни тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш системасини яхшилаш керак. Кадрлар резервини вужудга келтириш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилиш, партия комитетларига яқинда сайланган ёки совет ва хўжалик органларига бошчилик қила бошлаган раҳбарларнинг катта отрядига ишда ёрдам бериш лозим.

Ҳозирги шароитда фаолиятни қабул қилинган қарорлар бажарилишини уюштиришга, ижрони текширишга кўпроқ қаратиш зарур. Бу масалаларда талабчанликни сира ҳам пасайтирмаслик керак. Белгиланган топшириқлар бажарилишини баъзан барбод этаётган раҳбарларга баҳо беришга принципиал ёндашиш керак. Контролни такомиллаштириш мақсадида жонли ташкилотчилик фаолиятига, ишларнинг аҳволини шахсан текширишга эътиборни кучайтириш зарур.

Практикада учраб турадиган қоғозбозлик фактлари, хилма-хил мажлисбозликлар, маҳкамачилик кўринишлари танқид қилинди. Шу камчиликларни тезроқ тугатиш зарурлигига эътибор жалб этилди.

Партия комитетларининг меҳнаткашлар хатлари ва аризалари каби социал ахборот манбаи билан ишлаши ғоят муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир партия ходими ҳамиша ленинча анъанага содиқ бўлиб қолиши — меҳнаткашларнинг эҳтиёж ва талабларига ниҳоятда зўр эътибор бериши, улар билан жонли мулоқотларни сира ҳам сусайтиришга йўл қўймаслиги керак.

Ўртоқ К. У. Черненко сўнгра партия Марказий Комитети аппаратининг навбатдаги вазифаларига муфассал тўхталиб ўтди. Марказий Комитет бўлимларининг жойлардаги партия комитетлари билан мустаҳкам баҳамжиҳат ҳаракати муҳим эканлиги алоҳида таъкидланди.

Ўртоқ К. У. Черненко партия Марказий Комитети аппаратининг ташкилотчилик ҳамда сиёсий фаолиятига юксак баҳо берди ва Марказий Комитет аппарати ҳамиша партия билан халқ олдида турган вазифалар даражасида бўлади, деб КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ва Секретариати номидан ишонч билдирди.

МЕҲНАТДА ЯНГИ МУВАФФАҚИЯТЛАР САРИ

ЧИРЧИҚ (Тошкент области), 6 март. (ЎзТАГ). Шаҳарнинг энг катта ишлаб чиқариш коллективи — «Электрохимпром» бирлашмасида катта байрам. Бу ерда азот ва азот-фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш учун керак-ли хом ашё — аммиакни синтез қилувчи мамлакатдаги энг қатта қурилмалардан бири ўрнатиб бўлинди ва ишлатиш учун қабул қилиб олинди. КПСС Марказий Комитети янги қувватларни барпо этишда қатнашган барча коллективларни меҳнатдаги ғалаба билан табриклади.

Шу воқеага бағишлаб бутун химиклар саройида ўтказилган тантанали митингга юзлаб қурувчилар, монтажчилар, корхонани ишлатувчи ходимлар, илмий-тадқиқот ва лойиҳа ташкилотларининг меҳнатчилари, «Электрохимпром» ва шаҳардаги бошқа корхоналарнинг ишлаб чиқариш илғорлари келдилар.

Чирчиқ, Россошь ва Новгородда минерал ўғит ва унинг учун керакли хом ашё ишлаб чиқарувчи янги қувватларни барпо этган кишиларга КПСС Марказий Комитетининг табрикномасини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев ўқиб эшиттирди.

Митингда 160-қурилиш трестининг бошқарувчиси А. Каримов, «Промтехмонтаж» бошқармасининг бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Абдурашидов, янги аммиак ишлаб чиқаришнинг аппаратчиси Л. Жукова, «Чирчиқхимстрой» бошқармасининг монтажчилар бригадири Н. Степанов, «Электрохимпром» бирлашмасининг директори В. Қодиров сўзга чиқдилар.

Сўзга чиққан кишиларнинг ҳаммаси йилига 450 минг тонна аммиак ишлаб чиқарадиган замонавий комплекс ишга туширилишини таъминлаган коллективларнинг меҳнатдаги муваффақиятига юксак баҳо берилганлиги учун КПСС Марказий Комитетига астойдил миннатдорчилик изҳор этдилар. Шу корхона ишга туширилиши туфайли мамлакат қишлоқ хўжалиги қўшимча равишда юз минглаб тонна минерал ўғит олади. Деҳқонлар катта майдонларда пахта, дон, сабзавот, мева ҳосилдорлигини ошириб, шу тарика СССРнинг Озиқ-овқат программасини бажаришга янги ҳисса қўша оладилар. Шу билан бирга илғор технология қўлланилиши шарофати билан аммиак комплекси ўн миллионлаб кубометр сувни, кўп миқдордаги энергияни тежаб қолади, анчагина ишчилар бошқа ишлар учун бўшатиб берилади, меҳнат унумдорлиги ошади ва тайёр маҳсулот таннархи камаяди.

Чирчиқ қурувчилари ва монтажчилари, «Электрохимпром» бирлашмасининг меҳнатчилари КПСС XXVI съезди, беш йиллик план белгилаган режаларнинг ҳаммасини, шу йилги социалистик мажбуриятларни шараф билан бажаришга қатъиқ бел боғлаганлар, деб таъкидлашди нотиқлар. Янги аммиак қурилмасини ишлатувчи химиклар коллективи КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил декабрь ва 1984 йил февраль Пленумлари қарорларига конкрет ишлар билан жавоб қайтариб, янги ишлаб чиқаришни ўзлаштириш муддатини икки ҳисса қисқартиришга ва шу йўл билан пландан ташқари 25 минг тонна минерал ўғит ишлаб чиқаришга қарор қилди.

Меҳнат коллективлари Ўртоқ К. У. Черненконинг сайловолди нутқида баён этилган қонда ва хулосаларни амалга ошира бориб, бутун куч-ғайратни фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга қаратмоқдалар, интизом ва тартибни мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш соҳасидаги ишни давом эттирмоқдалар. Митинг қатнашчилари Ватан топшириқларини бажаришга, социалистик жамият бахт-саодати йўлида меҳнат қилишга бундан буён ҳам ўзларининг бутун ғайрат ва тажрибаларини сарфлайвериш ҳақида Коммунистик партияга, унинг ленинчи Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюросига ваъда бердилар.

Митинг аҳли баланд руҳ билан табрикнома қабул қилиб, уни Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети номига юборишга қарор қилди.

Митингда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси аъзолари И. Г. Анисимкин, Ғ. Ҳ. Қодиров, М. М. Мусахонов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. Р. Хўжаев қатнашдилар.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АХБОРОТИ

(Боши биринчи бетда).

сайлов ўтказган 750 округда ва Миллатлар Советига сайлов ўтказган 749 округда сайлов бўлиб ўтди. Қозоғистон ССРдан Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи 138-Жамбул сайлов округида депутатликка номзод вафот этганлиги муносабати билан сайлов бўлмади. Бу округда сайлов яқин вақт ичида ўтказилади.

Сайловда 184.005.736 сайловчи ёки рўйхатга киритилган сайловчилар умумий сонидан 99,99 проценти иштирок этди.

Овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг 99,94 проценти Иттифоқ Совети депутатлигига номзодлар учун, 99,95 проценти Миллатлар Совети депутатлигига номзодлар учун овоз берди.

Мамлакат давлат ҳокимияти олий органига сайлов натижалари тўғрисидаги дастлабки маълумотлар коммунистлар билан партиясизлар мустаҳкам блокининг чинакам ғалаба қозонганлигидан далолат бермоқда. Совет кишилари депутатликка номзодлар учун якдиллик билан овоз бериб, Коммунистик партия билан Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатини астойдил маъқуллаётганликларини ва чексиз қўллаб-қувватлаётганликларини изҳор этдилар.

Сайловнинг узил-кесил якунлари тўғрисида Марказий сайлов комиссиясининг ахбороти ва СССР Олий Советига сайланган депутатларнинг рўйхати 1984 йил 7 мартда эълон қилинади.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗГАН МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ.

1984 йил, 5 март.

ХАЛҚИМИЗНИНГ МУНОСИБ ВАКИЛЛАРИ

Ўзбекистон ССРдан Иттифоқ Советига сайланган депутатлар

АНДИЖОН ОБЛАСТИ

Маликова Майрамхон Абдумўминовна, Андижондаги СССР 50 йиллиги номли «Электродвигатель» заводининг ишчиси, Андижон округи.

Мамарасулов Солижон, Ўзбекистон Компартияси Андижон область комитетининг биринчи секретари. Ленин округи.

Худойбердиев Нормахонмади Жўраевич, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси. Избоскан округи.

БУХОРО ОБЛАСТИ

Гадоева Шарофат Болтаевна, Вобкент районидаги Ушинский номли 25-ўрта мактаб ўқитувчиси. Ғиждувон округи.

Шестопалов Николай Федорович, инженерлик қўшинлари маршали. Бухоро округи.

ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИ

Маматқулов Тиркаш, «Джизакстрой» ишлаб чиқариш қурилиш-монтаж бирлашмасининг 258-механизациялашган кўчма колоннаси комплекс бригадасининг бошлиғи. Жиззах округи.

Сатторова Зулайҳо Синдоровна, Зарбдор районидаги «Ленин йўли» совхози пахтачилик бригадасининг бошлиғи. Бинокор округи.

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ

Бўронова Тўлғон Хўжамовна, Ғузор районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг аъзоси. Ғузор округи.

Михайлов Виктор Константинович, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари. Қарши округи.

Туропов Нормўмин Туропович, Ўзбекистон Компартияси Қашқадарё область комитетининг биринчи секретари. Шаҳрисабз округи.

НАВОИЙ ОБЛАСТИ

Есин Василий Павлович, Ўзбекистон Компартияси Навоий область комитетининг биринчи секретари. Навоий округи.

НАМАНГАН ОБЛАСТИ

Достонова Малика Аҳмадалиевна, Чуст районидаги Гагарин номли совхоз ишчиси, Чуст округи.

Ражабов Назир Ражабович, Ўзбекистон Компартияси Наманган область комитетининг биринчи секретари. Наманган округи.

Салимов Оқил Умурзоқович, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси. Чортоқ округи.

САМАРҚАНД ОБЛАСТИ

Ашуралиев Рашид, Ўзбекистон Компартияси Самарқанд область комитетининг биринчи секретари. Самарқанд шаҳар округи.

Знёев Тоштемир, Самарқанд районидаги «Боғизағон» совхозининг тракторчиси. Самарқанд қишлоқ округи.

Кожевников Вадим Михайлович, ёзувчи, «Знамя» журналининг бош редактори, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари. Булунғур округи.

Ниёзова Амина Маҳмудовна, Каттақўрғон шаҳар аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ишлаб чиқариш бошқармасининг тикувчи устаси. Каттақўрғон округи.

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ

Акбаралиева Қундуз Ҳайитбоевна, Денов районидаги Ульянов номли колхоз аъзоси. Денов округи.

Максимов Юрий Павлович, армия генерали, Термиз округи.

СИРДАРЁ ОБЛАСТИ

Дробишев Иван Васильевич, «Сирдарьяристрой» трестига қарашли Бахт 1-механизациялашган кўчма колоннасининг булдозерчиси. Гулистон округи.

Мирбобоева Минавар, Ильич районидаги «Правда» газетаси номли совхоз бригадири. Янгиер округи.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

Аҳмедов Карим Содиқович, Тошкент политехника институтининг ректори. Тошкент-Октябрь округи.

Дюгай Владимир Константинович, Ғалаба районидаги «Победа» колхозининг бригадири. Янгийўл округи.

Корниенко Георгий Маркович, СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари, Чирчиқ округи.

Мусахонов Мирзамаҳмуд Мирзараҳмонович, Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг биринчи секретари. Калинин округи.

Норматова Хайринисо Абдунабиевна, Ангрен шаҳарсозлик бошқармасининг бўёқчиси, Ангрен округи.

Патоличев Николай Семёнович, СССР ташқи савдо министри. Тошкент-Чилонзор округи.

Сивец Виктор Николаевич, В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, Тошкент-Киров округи.

Соснов Иван Дмитриевич, СССР транспорт қурилиши министри — Бўка округи.

Еқуббоева Каромат Ҳакимовна, Тошкент тўқимачилик комбинати 2-йигирув-тўқув фабрикасининг тўқувчиси. Тошкент-Ленин округи.

ФАРҒОНА ОБЛАСТИ

Бойболаева Карматхон, Риштон районидаги А. Навоий номли совхоз механизатор-бригадири. Ленинград округи.

Осетров Тимофей Николаевич, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари. Фарғона округи.

Рустамова Марямхон Рохуббековна, Марғилон «Атлас» абрли газламалар ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси. Марғилон округи.

Худойбердиев Қаҳҳор, Киров районидаги «Москва» колхозининг бош агрономи. Қўқон округи.

ХОРАЗМ ОБЛАСТИ

Раҳмонова Гулжон Рўзметовна, КПСС XXV съезди номли Урганч пиллакашлик фабрикасининг пиллакаши. Урганч округи.

Худайберганов Мадиёр, Ўзбекистон Компартияси Хоразм область комитетининг биринчи секретари. Хива округи.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР

Головин Владимир Александрович, генерал-майор. Тўрткўл округи.

Камолов Қоллибек, Ўзбекистон Компартияси Қорақалпоғистон область комитетининг биринчи секретари. Нукус округи.

Ўзбекистон ССРдан Миллатлар Советига сайланган депутатлар

Азимов Сарвар Олимжонович, ёзувчи, Ўзбекистон СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари. Марғилон округи.

Анишченко Тамара Павловна, қаттиқ қотишмани пармалаш асбобини ишлаш ва ишлаб чиқариш тажриба заводи олмос асбобини йиғувчи. Самарқанд шаҳар округи.

Орзиева Зулфияхон Муқимовна, Андижон область Қўрғонтепа районидаги «Савай» совхоз-техникумининг ишчиси. Ленин округи.

Аҳмедова Кенжа, Тошкент область, Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхози пахтачилик бригадасининг бошлиғи. Ангрен округи.

Бозорова Жамила Азимовна, Бухоро область, Свердлов районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси, Ғиждувон округи.

Грамов Марат Владимирович, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Физкультура ва спорт комитетининг раиси. Андижон округи.

Жабборов Исмоил, Ўзбекистон Компартияси Бухоро область комитетининг биринчи секретари, Бухоро округи.

Искандаров Абдулла, Хоразм область, Боғот районидаги Нариманов номли колхоз раиси. Хива округи.

Қобилов Ҳаким, Самарқанд область, Каттақўрғон районидаги Тельман номли колхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи. Каттақўрғон округи.

Қорахонова Қурбоной Дурриевна, Сурхондарё область, Гагарин районидаги «Правда» совхози шоликорлик бригадасининг бошлиғи. Термиз округи.

Каримов Абдуҳолиқ, Ўзбекистон Компартияси Сурхондарё область комитетининг биринчи секретари. Денов округи.

Қаюмова Раъно Абдуазизовна, КПСС XXV съезди номли Наманган абрли газламалар шойи комбинатининг ишчиси. Наманган округи.

Қистовбоев Турон, Навоий область, Конимех районидаги «Маданият» совхозининг ишчиси. Навоий округи.

Листов Владимир Владимирович, СССР химия саноати министри. Тошкент-Ленин округи.

Майоров Александр Михайлович, армия генерали. Бўка округи.

Мўминов Абдукарим, Андижон область, Балиқчи районидаги «КПСС XXV съезди» колхозининг раиси. Избоскан округи.

Назиров Юрсинжон, «Фергананефтеоргсинтез» ишлаб чиқариш бирлашмасининг оператори. Фарғона округи.

Пулина Ирина Борисовна, СССР 50 йиллиги номли Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати контролўлчаш асбоблари автоматика цехининг электр слесари. Чирчиқ округи.

Раматова Ровия Эгамовна, Хоразм область, Шовот районидаги «Ленинград» колхозининг звено бошлиғи. Урганч округи.

Рўзиев Руйиддин, «Каршистрой» бошқармасига қарашли «Каршиирмонтаж» трестининг 1-ихтисослашган механизациялашган кўчма колоннасининг электр монтажчиси. Қарши округи.

Содиқов Обид, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти. Булунғур округи.

Сефершаев Фикрет, Тошкент область, Чиноз районидаги «Ўзбекистон ССР XXX йиллиги» колхози пахтачилик бригадасининг бошлиғи. Янгийўл округи.

Теребилов Владимир Иванович, СССР юстиция министри. Қўқон округи.

Умаров Учқун, Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари, Тошкент-Чилонзор округи.

Умаров Ҳамдам, Ўзбекистон Компартияси Фарғона область комитетининг биринчи секретари, Ленинград округи.

Усмонхўжаев Иноможон Бузрукович, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари. Тошкент-Октябрь округи.

Хайдаров Виктор Алексеевич, Ўзбекистон Компартияси Сирдарё область комитетининг биринчи секретари. Гулистон округи.

Хўжамбергенова Бибиойша, Нукус шаҳар бирлашган касалхонасининг педиатр врачи. Нукус округи.

Худойқулова Муҳаббат, Қашқадарё область, Яккабоғ районидаги «Қизил Юлдуз» колхози маккажўхорикорлик бригадасининг бошлиғи. Шаҳрисабз округи.

Шоғазатов Ҳабибулло Абдумажитович, Ўзбекистон Компартияси Жиззах область комитетининг биринчи секретари. Жиззах округи.

Шарипов Абдусаттор, Наманган область, Косонсой районидаги «Дўстлик» совхози пахтачилик бригадасининг бошлиғи. Чортоқ округи.

Юсупов Жониқул, Самарқанд область, Большевик районидаги Карл Маркс номли колхоз раиси. Самарқанд қишлоқ округи.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССРДАН

Васильев Николай Федорович, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министри. Чимбой округи.

Жиенбоев Кархан, Қораўзак районидаги «Қорақалпоғистон АССР 40 йиллиги» совхозининг ишчиси. Тахтакўпир округи.

Израэль Юрий Антониевич, СССР Гидрометеорология ва табиий муҳитни контроль қилиш давлат комитетининг раиси. Хўжайли округи.

Қўшчонова Гулсара Шараповна, балиқ саноати Мўйноқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси. Мўйноқ округи.

Қурбониёзов Ўнғарбой, Қўнғирот районидаги Чапаев номли совхоз директори. Қўнғирот округи.

Макарова Татьяна Михайловна, КПСС XXVI съезди номли Нукус уйсозлик комбинатининг кранчиси. Нукус округи.

Маҳмудова Наима Маҳмудовна, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси. Ленинобод округи.

Сапаева Ўғилжон Жумабоевна, Тўрткўл районидаги Димитров номли колхоз аъзоси. Тўрткўл округи.

Тожимова Гулзебо, Амударё районидаги «Ленинизм» колхозининг механизатори. Амударё округи.

Турғонбоев Донабой Таженович, Кегайли районидаги Куйбишев номли совхоз механизатори. Кегайли округи.

Ҳусаннова Дилором Султоновна, Элликқалъа районидаги Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли совхоз-техникумининг механизатори. Беруний округи.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ.

1984 йил 6 март.

СССР Олий Советига сайланган депутатларнинг тўлиқ рўйхати «Правда» ва «Известия» газеталарида эълон қилинади.

СОЦИАЛИСТИК ДЕМОКРАТИЯНИНГ ТАНТАНАСИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРДАН СССР ОЛИЙ СОВЕТИ МИЛЛАТЛАР СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗГАН САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

6 март куни Тошкентда Б. Жўраева раислигида Ўзбекистон ССРдан СССР Олий Совети Миллатлар Советига сайлов ўтказган сайлов комиссиясининг якунловчи мажлиси бўлиб ўтди. Комиссия республикада СССР Олий Советининг Миллатлар Советига ўтказилган сайлов якунларини кўриб чиқди. Бу масала юзасидан сайлов комиссиясининг секретари В. В. Окунскийнинг ахбороти тингланди.

СССР Олий Советига сайлов бутун мамлакатдаги каби республикамиз меҳнаткашлари учун ҳам қувончли байрам, социалистик демократиянинг ҳақиқий тантанаси куни бўлганлигини сайлов комиссияси қайд этди.

КПСС Марказий Комитети СССР барча сайловчиларига, гражданларига Мурожаатида баён этилган партиянинг сайлов платформасини Ўзбекистон меҳнаткашлари зўр мамнуният билан кутиб олдилар. Партиянинг коммунистлар билан партиясизлар блоки номзодлари учун овоз беринг, деган оташин даъвати ҳар бир совет гражданининг дилида қизғин акс садо берди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари ва аъзолиққа кандидатлари, Совет давлати раҳбарлари, шунингдек ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, меҳнаткаш зиёлиларнинг муносиб вакиллари якдиллик билан мамлакат давлат ҳокимияти олий органига сайландилар.

Бутун совет халқи билан биргаликда Ўзбекистон меҳнаткашлари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, унинг ленинчи Марказий Комитети, Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси тебарагида метиндек жипслашганликларини яна бир бор намойиш қилдилар.

Бўлиб ўтган сайлов ҳақиқатан ҳам бутун халқнинг иши бўлди. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда республикамизнинг юз минглаб гражданлари қатнашдилар. Улар сайлов комиссияларида актив ишладилар, депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари, агитатор ва пропагандистлар бўлдилар. Кўпдан-кўп йиғилишларда меҳнаткашлар депутатликка номзодларнинг сиёсий ва ишчанлик фазилатларини бемалол, атрофлича муҳокама қилдилар, уларга ўз наказларини бердилар, давлат органларининг, жўжалик ва жамоат ташкилотларининг ишини янада яхшилаш хусусидаги мулоҳазалари ва таклифларини айтдилар.

Ўзбекистон ССРдан СССР Олий Совети Миллатлар Советига сайлов ўтказган сайлов комиссияси шуни мамнуният билан қайд этадики, бу галги сайлов кампанияси юксак сиёсий активлик ва меҳнат жўшқинлиги вазиятида, партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь ва декабрь, 1984 йил февраль Пленумлари ўртага қўйган улуғвор вазифаларни бажариш учун кураш белгиси остида ўтди. Республиканинг минглаб меҳнат коллективлари ишлаб чиқаришда катта муваффақиятларга эришдилар, бу йилги план ва мажбуриятларни, умуман беш йиллик планни барвақт бажариш учун яхши замин яратдилар.

Сайлов куни республика меҳнаткашлари юксак уюшқоқлик ва сиёсий активлик кўрсатдилар. Сайловчиларнинг жуда кўпчилиги кунинг биринчи ярмидаёқ ўз гражданлик бурчини адо этди. Овоз беришда оммаонинг юксак активлиги, тўла якдиллик вазияти барча меҳнаткашлар партия билан Совет ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсатини астойдил маъқуллаб, қизғин қўллаб-қувватлаётганликларидан далолат беради.

Республикадаги овоз беришда ҳаммаси бўлиб сайлов рўйхатларига киритилган сайловчиларнинг 99,99 проценти қатнашди.

Сайлов якунлари коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг янги ғалабасидан яққол дарак беради. Овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг 99,98 проценти Ўзбекистон ССРдан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига кўрсатилган номзодлар учун овоз берди. Шундай қилиб, барча номзодлар овозларнинг мутлақ кўпчилигини олди ва СССР Олий Советининг депутатлари қилиб сайланди.

Сайлов СССР Конституциясига ва СССР Олий Советига сайлов ўтказиш тўғрисидаги қонунга қатъий мувофиқ равишда ўтди. Сайлов тўғрисидаги қонунларга хилоф иш бўлганлиги ва сайлов комиссияларининг нотўғри хатти-ҳаракатлари ҳақида сайлов комиссиясига ҳеч қандай шикоят ва ариза тушгани йўқ.

Сайлов комиссияси Ўзбекистон ССРда овозга қўйилган номзодларни СССР Олий Совети депутатлари қилиб сайланганликлари билан самимий табриклайди, юксак давлат фаолиятида уларга катта муваффақиятлар тилайди.

Комиссия СССР Олий Советига сайловни муваффақиятли ўтказишга қаратилган оммавий-сиёсий ва ташкилий-техникавий тадбирларнинг пухта амалга оширилишига кўмаклашган округ ва участка сайлов комиссияларининг барча аъзоларига, партия, совет, касаба союз ва комсомол ходимларига, матбуот, телевидение ва радио, алоқа корхоналари, маданият муассасалари ва бошқа идораларнинг ходимларига ташаккур изҳор қилади.

ВАТАН РАВНАҚИ ЙЎЛИДА

Барча совет кишилари КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг Москва шаҳар Куйбишев сайлов округи сайловчилари билан учрашувда сўзлаган нутқини астойдил маъқуллаб кутиб олдилар. Редакциямизга келаётган хатларда меҳнаткашлар Ленин партияси сиёсатини қизғин қўллаб-қувватлаётганликларини, коммунизм улуғ ишига садоқатларини билдирмоқдалар, меҳнатда янги марраларга эришишни кўзламоқдалар.

ҲАМИША ТАЙЁРМИЗ

Константин Устинович Черненконинг Москва шаҳар Куйбишев сайлов округи сайловчилари билан учрашув чоғида айтган меҳнат тарбиясига оид сўзлари ўқитувчилик фаолиятига бир неча ўн йил умримни бағишлаган менинг қалбимдан чуқур ўрин олди. «Мактаб ўқувчиларида ишга меҳр-муҳаббат сингдириш, унумли меҳнат кучини тарбия жараёнига тўла-тўкис жалб этиш» — мактаб ҳал этиши лозим бўлган асосий вазифадир. Бундан халқимиз манфаатдордир. Шунинг учун ҳам КПСС Марказий Комитетининг Лойиҳасини муҳокама қилиш Бутуниттифоқ педагогика советига, ота-оналарнинг улкан йиғилишига айланиб кетди.

Кекса авлодга мансуб кишилар Совет қонимиятининг дастлабки йилларини яхши эслайдилар. Ўша пайтда саводсизликни тугатиш мактабларида қизил аскарлар, деҳқонлар, ишчилар ўқирдилар. Туркистонда саводсизлик қисқа вақт ичида тугатилди. Республикамиз бу даврда асрларга тенг йўлни босиб ўтди.

Бугунги мактаб ўқувчилари кекса авлодлардан эстафетани қабул қилиб, янги жамият бунёдкорлари бўлиб етишадилар. Константин Устинович ёшлар ўртасида олиб бориладиган тарбиявий ишни партиянинг катта вазифаси, деб атагани бежиз эмас.

Биз, ўқитувчилар партия ёш авлод мураббийлари олдига қўйган муҳим вазифани бажариш учун куч, билим ва тажрибамизни бағишлашга ҳамиша тайёрмиз.

Воҳид АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби.

ЧЕКСИЗ ҒАМХЎРЛИККА ЖАВОБАН

Сайловчилар билан учрашувда КПСС Марказий Комитети Бош секретари К. У. Черненко сўзлаган нутқни зўр қониқиш билан ўқиб чиқдик. Унда мамлакатимиз экономикасини ривожлантириш, совет кишилари турмуш даражасини яхшилаш тўғрисида чинакам партиявий ғамхўрлик қилинаётгани сезилиб турибди.

Ўртоқ Константин Устинович Черненко таъкидлаб айтганидек, «...келгуси режалар тўғрисида гапирганда оддий бир ҳақиқатни унутмаслик керак: яхшироқ яшаш учун яхшироқ ишлаш лозим». Буни чуқур англаган цехимиз ишчилари меҳнатда тобора юксак натижаларни қўлга киритишга интилмоқдалар. Жумладан, бригадамизда 1983 йил плани 120 процент қилиб адо этилди. Маҳсулот ишлаб чиқариш суръатлари 1982 йилга нисбатан 4,4 процент ошди. Жами маҳсулотнинг 97,8 проценти биринчи сортларга топширилди. Давлат Сифат белгиси билан чиқарилаётган маҳсулот ҳажми тобора ошиб бормоқда. Тикувчиларимиз турдош касбларни эгаллашмоқда.

Корхонамиздаги меҳнат илғорларининг тажрибаси ёшларга ибрат бўлмоқда. Бугунги кунда беш йиллик планини адо этган ўнлаб ишчилар — Д. Эминов, Р. Юсупова, А. Абдужабборов, Ю. Мансуров, В. Идрисова каби тикувчиларимиздан ўрнак олаётган ёшлардан 147 киши тўрт йиллик планни адо этди.

Бригадамиз бўйича беш йиллик давомида меҳнат унумдорлигини пландан ташқари 1,5 процент оширишга қарор қилганмиз. Бунга меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш, ташаббускорлик ва ижодкорликни ривожлантириш, корхона цехларини реконструкция қилиш ҳисобига эришамиз.

С. ҚОДИРОВА,
Наманган тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси 2-цехи тикувчи-мотористкаси, коммунистик меҳнат зарбдори.

МАЪҚУЛЛАЙМИЗ

Совхозимиз пахтакорлари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг сайловчилар ҳузурида сўзлаган нутқида баён этилган қоида ва хулосаларни зўр қониқиш билан ўрганиб чиқмоқдалар.

Биз партия ғояларини амалга ошира бориб, қўриқ ерда ташкил этилган совхозимиз экономикасини муттасил мустаҳкамламоқдамиз. Совхозимизда чорвачилик йил сайин ривож топмоқда. Ўтган йили сут соғиб олиш плани 110 процент, гўшт тайёрлаш плани 112 процент, тухум олиш плани 103 процент бажарилди. Зевар Сейтимова, Муҳаббат Султонова сингари сут соғувчиларимиз ҳар бир сигирдан 3100—3200 литрдан сут соғиб олдилар. Чорвадорларимиз ўн биринчи беш йилликкда эл дастурхонига 380 тонна сут, 42 тонна гўшт, 300 минг дона тухум етказиб бериш юзасидан ўз зиммаларига олган юксак мажбуриятни барвақт бажариш учун барча резерварни ишга солмоқдалар.

Шу кунларда партия ташкилоти ўртоқ К. У. Черненко нутқи асосида чўлқуварлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишни кучайтириб юборди. Оллоберган Жумашев, Жонгир Хусаинов, Исмоил Нуриддинов, Қурбонбой Қобулов, Раҳмонберди Тожимуродов, Қурбонбой Тиллаев ўртоқлар нутқда илгари сурилган вазифаларга бағишлаб қизиқарли суҳбатлар ўтказмоқдалар.

М. ОТАЕВ,
Элликқалъа районидаги «Октябрь 60 йиллиги» совхозининг бригада бошлиғи.

БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ

МАНГУ ҲАЁТ

С. Г. ЛАЗО ТУҒИЛГАН КУННИНГ 90 ЙИЛЛИГИГА

Гражданлар урушининг афсонавий қаҳрамони, Сибирь ва Узоқ Шарқда Совет ҳокимиятини қарор топтириш учун олиб борилган курашнинг раҳбарларидан бири Сергей Георгиевич Лазо (1894—1920 йил) қисқа, аммо ёрқин ҳаёт кечирди. Ҳар томонлама қобилиятли, ниҳоятда жасур, айни пайтда ўта камтарин инсон бўлган Сергей Лазо халқ ишига, революция ғояларига чексиз садоқатли эди. У ўзининг бутун куч-ғайратини, умрини тўлалигича Совет Ватанининг порлоқ келажаги учун курашга бағишлади.

Лазонинг Октябрь инқилоби сари ташлаган одими, уни революцияга олиб келган йўл машаққатли, мураккаб сўқмоқлардан иборат бўлди. С. Г. Лазо чор ҳокимияти ағдарилганлиги ҳақидаги хабарни шод-ҳурраамлик билан кутиб олди. Сергей Георгиевич ҳеч иккиланмай ўз ротасини қизил байроқ остида ишчи ва солдат депутатлари Красноярск Совети ихтиёрига келтирди. Инқилобий курашларда қатнашиш, большевиклар раҳбарлигида ишлаш унга тўлатўкис коммунистлар платформасига ўтиш имконини берди.

Лазо социалистик революцияни амалга оширишга тайёргарлик кунларида ва инқилобни рўёбга чиқаришда гражданлар уруши йилларида, интервентларга қарши курашда ўзини истеъдодли ҳарбий ташкилотчи, ажойиб жанговар командир ва ҳарбий бошлиқ, таниқли партия ва давлат арбоби эканлигини намойиш қилди. Унинг ҳарбий бошлиқ сифатидаги истеъдоди Приморье ўлкасида оқ гвардиячилар ва интервентларга қарши курашда янада ривож топди.

С. Г. Лазо бу ўлкада партизанлар ҳаракатига бошчилик қилиб, ғайрат-шижоати, ва ишчанлиги, ҳарбий санъатни чуқур билиши туфайли партизан отрядларини бирлаштириш, тарбиялаш, ўқитишда жуда катта хизмат кўрсатди.

Сергей Георгиевич Приморье ўлкасида оқ гвардиячиларни тор-мор қилишга тайёргарлик кўришда ҳормай-толмай меҳнат қилди. Ўзининг йирик сиёсий раҳбар эканлигини яна бир карра исботлади. Ҳа, Сергей Лазо пропагандист, нотиқ, партия ходимига хос фазилатларни ўзида мужассамлаштирган эди. Узоқ Шарқ ишчилари ва деҳқонлари ўртасида жуда катта ҳурматэътибор қозонган эди.

С. Г. Лазо айни гуллаган чоғида ҳалок бўлди. Япон интервентлари 1920 йил 5 апрелга ўтар кечаси Владивостокда ҳокимиятни босиб олдилар. Шу тунда улар С. Г. Лазо ва унинг икки нафар сафдошини тутиб, бир неча кундан сўнг асирларни Муравьево-Амурск (ҳозирги Лазо номли) станциясида Бочкаревнинг оқ гвардиячилар отряди қўлига топширдилар. Босқинчилар Сергей Лазо ва унинг ўртоқларини паровоз ўтхонасига ташлаб ўлдирдилар.

Она-Ватан бахт-саодати учун қўрқмас ва содиқ курашчи Сергей Лазонинг номи миннатдор совет халқи хотирасида мангу яшайди. Совет кишилари Лазо номи билан боғлиқ ҳамма нарсани кўз қорачиғидек асрамоқдалар. Узоқ Шарқда афсонавий қаҳрамон номи билан аталувчи район, посёлкалар, мактаблар бор. Сергей Лазо ҳайкаллари Узоқ Шарқ ва Молдавияда ўрнатилган. Бир неча кема Сергей Лазо номи билан аталади. У бор-йўғи 26 йил умр кўрди. Аммо унинг номи мангу бўлиб қолди.

ТОШКЕНТ КИНОФЕСТИВАЛИ ОЛДИДАН

Уч қитъа учрашуви

6 март куни Тошкентда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VIII халқаро кинофестивали ташкилот комитетининг мажлиси бўлиб ўтди. Кинофестиваль шу йил май ойининг охирларида Ўзбекистон пойтахтида ўтади. Министрликлар ва идораларнинг вакиллари уч қитъа кинематографиячилари шу анжуманга қандай тайёргарлик кўраётганликлари тўғрисида гапирдилар. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йил самарали ишлаганлиги, республикада соғлиқни сақлашни ривожлантиришдаги хизматлари учун Ўзбекистон Травматология ва ортопедия илмий-тадқиқот институти директорининг ўринбосари профессор Одил Шарипович Шокировни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

Чорвачилик—зарбдор фронт

МАҲСУЛДОРЛИК ОРТМОҚДА

Чорвадорларнинг социалистик мусобақасига қўшилган Бағдод районидаги «Ҳамзаобод» наслчилик совхози меҳнатчилари катта зафарларни қўлга киритмоқдалар. Улар партия ва ҳукуматимиз қарорларига жавобан таннархни арзонлаштириб, аҳолига мўл-кўл чорва маҳсулотлари етказиб бериш учун ўзаро беллашувни кун сайин қизитмоқдалар. Совхозда йил сайин маҳсулдорлик ортмоқда. Ўтган йилги натижалар айниқса, қувонарлидир. 250 бош сигирнинг ҳар биридан пландаги 3850 килограмм ўрнига 4298 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олинди. Область колхоз ва совхозларига 2023 бош наслдор ғунажин етказиб берилди. Бу белгиланганидан 33 бош ғунажин ортиқдир. 1984 йилда бу марради ўзиб кетиш — чорвадорларнинг шиорига айланган.

Совхозда ўз меҳнати билан обрў-эътибор топаётган чорвадорлар жуда кўп. Уларнинг ҳар бири ўзига бириктирилган сигир бузоқларини меҳр билан парваришлашяпти. Комсомол аъзоси Мавжудахон Убайдуллаева ана шуларнинг биридир. Унга 40 бош бузоқ бириктирилган. Уларнинг ҳар бирини кунига 550-600 граммдан семиришини таъминлаяпти. Суратда: илғор бузоқбоқар М. Убайдуллаева.

Т. Ҳамроқулов фотоси.

БЕШ ЙИЛЛИК ГВАРДИЯЧИЛАРИ

МЕҲНАТДАН КЕЛСА БОЙЛИК

Бекобод районидаги Ленин номли колхоз 1983 йил халқ хўжалик планини муваффақиятли бажариш учун ўтказилган социалистик мусобақа якунларига кўра Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди. Бу муваффақиятга хўжаликнинг тажрибакор пахта усталари катта ҳисса қўшдилар. Қуйида шулардан бири — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Адолат РЎЗИМАТОВА бригадасининг тажрибаси ҳақида ҳикоя қиламиз.

Эрталабки туман орасидан хирагина ёғду сочиб турган қуёш пешинга яқин кўринмай қолди. Борлиқ қоронғилашиб, шаррос ёмғир қуйди. Бригадир кўчага чиққанида ерга тушаётган марварид томчилар бир оз майдалашиб, камайганди. У катта йўлдан ўтиб, далага бурилди.

Мана қадрдон дала. Ер дам олиб янги ҳосилга куч тўплаяпти. Бу бепоён далалар кузда оқ тўн кияди. Лекин меҳнат билан бунёд этилган «оқ олтин» тўни бўлади бу. Пайкаллардан кўзланган ҳосилнинг олинишига бригадирнинг ишончи комил. Чунки ер яхшилаб тўйдирилиб, экишга тахт қилиб қўйилган. Тупроқнинг унумдорлиги етарли. Бемалол кўзланган марранн эгаллаш мумкин.

Бунинг учун озмунча меҳнат қилиндими? Ҳосил йиғим-терими чўзилиб кетганлиги туфайли ерларни шудгорлашга тайёрлаш ғоятда тезкорлик билан олиб борилди. Қисқа вақтда ҳар гектар ер ҳисобига 15 тоннадан маҳаллий ўғит ташиб чиқарилди. Етарли миқдорда маҳаллий ва минерал ўғитлар солингач, шудгорлашга киришилди. Шудгорлаш қарийб бир ҳафтада сифатли ўтказилди. Барча бир тан, бир жон бўлиб, зарбдорчасига ишлади. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Сабаби бригадада аллақачон аҳиллик, ҳамжиҳатлик, онгли интизом қарор топган. Бригада аъзоларининг ҳар бири ўзига топширилган ишни масъулиятни ҳис қилган ҳолда ғоятда сифатли бажаради. Агар бирор ерда камчиликка йўл қўйилган бўлса, бу нуқсон биринчи навбатда ўзининг ҳамёнига зарар келтиришини билади.

Бригадир юзларига урилаётган томчиларга парво қилмайди, ёғишига завқ билан тикилади. Чунки, ризқ-рўз, қут-барака ёғяпти. Қанчалик кўп ёғса, деҳқонга, айниқса, пахтакорга шунча яхши. Ерда кўп нам тўпланади. Чигитни тупроқнинг табиий намига ундириб олишга имконият яратилади. Адолат опа шуларни ўйларкан, хаёлида ўтган йилги қийин мавсум гавдаланди.

Ўтган йили чигит экиш бошланиши арафасида ҳаво ҳарорати бирдан кўтарилди. Бекобод шамоли натижасида ердан нам қочди. Экилган чигит ола чиққанлиги туфайли барча пайкалларга чигит суви беришга тўғри келди. Натижада ғўзаларнинг ривожи кузда тутилганидан 7-10 кун кечикди. Деҳқончиликда ҳосилни бир кун эрта етиштириш ҳам катта аҳамиятга эга. Буни қалбдан ҳис қилган бригада аъзолари ишловни кучайтириш билан қолоқликни тугатиш чораларини кўришди.

Ер барча бойликларимиз, фаровонлигимиз манбаидир. Унинг ҳар бир қаричидан оқилона фойдаланишимиз, хўжакўрсинга ишламасдан ерга меҳримиз, қалб қўримизни бахшида этишимиз лозим. Ана шунда замин биздан саховатини аямайди. Бағридаги бойликларини тобора кўпроқ инъом этаверади. Ишловини ўрнига қўйиб, ҳар гектар ердан 60-65 центнердан жавоҳир ундираётган кўплаб «оқ олтин» усталари республика пахтакорларининг карвонбошилари бўлиб қолдилар. Ахир, бу мўъжиза эмасми? Аммо худди шу мўъжизанинг калитини топиш лозим. Калити эса меҳнатдир.

Ғўза вегетациясининг дастлабки босқичида минерал ўғитлар яхши самара беришини Адолат опа кўп йиллик тажрибасида синовдан ўтказган. Шу туфайли чигит суви билан текис ундириб олинган ғўзаларга оширилган ўғит дозаси белгиланди. Кетмон чопиғи, культивация олдидан қатор ораларига маҳаллий ва минерал ўғит сепилди. Ҳар сувдан кейин ўғитлар ғўзанинг қон-қонига сингиб, ўсимлик баравж ривожланди.

Иш сифати алоҳида эътиборда бўлди. Чопиқчилар, механизаторларни, механизаторлар эса сувчиларнинг ишини назорат қилиб бордилар. Сабаби бир агротехник тадбирнинг пухта бажарилиши иккинчисининг ҳам сифатли бажарилишига замин бўлиб хизмат қилади. Аксинча, сифатсиз қилинган культивациядан кейин чопиқчи қийналиши, қондириб суғорилмаган жойларда ғўза яхши ривожланмаслиги, эзиб суғорилган ерларда эса культивация чоғида кесак кўчиб, ўсимлик илдизи зарарланиши, кичкинагина камчилик кейинчалик тузатиб бўлмас оқибатларга олиб келиши мумкин.

Пахтакорлар чопиқ, озиқлантириш, культивация ва суғоришни ўз вақтида сифатли адо этдилар. 10 июлгача ғўзаларга минерал ўғитларнинг йиллик нормаси бериб бўлинди.

Июлнинг иккинчи ярми ва август ойларига бориб асосий эътибор «шарбат» оқизишга қаратилди. Бу қуёш ерни тандирдек қиздирган, иссиқ сояда 45 градусдан юқори бўлиб, ҳосил хавф остида қолган кезларда ўсимликка дармон бўлди. Ҳосил тўла сақлаб қолинди.

Мўл ҳосил етиштириш асосий ишнинг бошланиши, холос. Далада пахта сероб бўлса-ю уни териб олишда сусткашликка йўл қўйилса, бир йиллик меҳнат шамолга совурилиши мумкин. Бригада коллективи ҳар доимдагидек зарбдорчасига ишлади. Аввало, ғўза баргини тўла тўктиришга эътибор бердилар. Агар барг тўла тўкилмаган пайкалларга машина киритилса, пахта ифлосланиб сорт пасайиши мумкин. Бундан давлат ҳам, заршунослар ҳам манфаатдор эмас. Машина теримини бошлашдан аввал пахтазорлар махсус сифат комиссиясининг назоратидан ўтди. Дала гвардиячилари ҳам масъулиятни сезган ҳолда асосий эътиборни фақат сифатли «оқ олтин» теришга қаратдилар. Ҳар бир механик-ҳайдовчи ўзига бириктирилган пайкаллардан териб олган дурдонани алоҳида топширди. Социалистик мусобақа илғорларини аниқлашда кўп пахта териш билан пайкаллар тозаланганлиги, терилган ҳосилнинг сифатлилиги асосий мезон бўлди. Суюнбой Турсунбоев, Мавлуда Эгамназаровалар жами пахтанинг 85 процентини машинада тердилар. Ялпи ҳосилнинг 90 проценти биринчи сортларга сотилди. Ҳосилдорлик 63 центнердан ошиб кетди.

Хўжаликда меҳнатни ташкил этишнинг бригада пудрати формасига аллақачон ўтилган. Бу усул йил сайин ижобий самаралар бермоқда. Ялпи ҳосил юксалиб, юқори сорт «оқ олтин» салмоғи тобора ортиб боряпти.

Адолат Рўзиматова бригадаси ҳам пудрат асосида ишлаб, бу прогрессив усулнинг афзаллигини амалда исботлаяпти. Ўтган йилги қийин шароитда янгилик жуда ҳам қўл келди. Бригадаларнинг колхоз правлениеси билан тузган шартномасига кўра правление бригадани уруғлик, ер, сув, ўғит-техника воситалари билан тўла таъминлайди. Бригада аъзоларининг мажбуриятида эса ҳар гектар ердан олинадиган ҳосил, ялпи хирмонда юқори сорт пахтанинг салмоғи ўз ифодасини топган. Етиштирилган ҳосилга қараб иш ҳақи фонди ҳам ажратилади. Аммо, бригада аъзоларига ундан жоҳлаганча фойдаланиш ҳуқуқи берилмаган. Фонд ҳар бир агротехник тадбир учун бўлиб-бўлиб берилади. Агар ғўза парваришида ишни сифатли бажариш билан маблағдан тежаб қолинса, тежалган пул йил охирида бригада аъзоларига бўлиб берилади. Етиштирилган ҳосил кузда тутилганидан ортиқ, сифат юқори бўлса яна устама мукофот тўланади.

Бригадада ғўза парвариши комплексини ташкил этувчи тадбирлар алоҳида кишиларга бириктириб берилади. Масалан, чопиқчи ғўзани 3 марта ўрнига 2 марта сифатли чопиқ қилиб, бегона ўтларнинг ўсиб чиқишига йўл қўймаса у учинчи чопиқ учун тўланадиган пулни ҳам олади. Моддий манфаатдорлик бу тарзда йўлга қўйилиши пахтакорларнинг ишга муносабатини бутунлай ўзгартириб юборди. Улар виждонан, ҳалол ишлайдиган бўлиб қолишди.

Бундан хўжалик ҳам, пахтакорлар ҳам катта иқтисодий манфаат кўришмоқда.

Коллектив аъзолари ғўза парваришида тежалган маблағ, пландан ташқари топширилган пахта, сортнинг юқорилиги учун ишлаб топилган ҳар бир сўм учун қарийб 2 сўмдан мукофот олишди. Ҳар бир кишининг ўртача йиллик иш ҳақи 3300 сўмни, механизаторларники 4000 сўмни, сувчиларники 4200 сўмни ташкил этди.

Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик, деганларидек бригада аъзоларининг ҳаммаси замонавий уйларда фаровон ҳаёт кечиришмоқда. Енгил машина, рангли телевизор, холодильник, мебель хонадонларга файз киритяпти. Адолат опа шуларни хаёлидан ўтказар экан, қўшни бригада ерларидаги пайкал четида компост қилинган ўғит олдида бир неча кишига кўзи тушди.

— Ҳозирги ёшлар ўтюрак, тиниб-тинчимас-да, — деб қўйди, — Ҳамроқулнинг йигитлари шундай кунда ҳам далага ўғит чиқаришмоқда. Бунақада устозидан ўтадиганга ўхшайди. Ғайратига балли, ёш бўлишига қарамай тадбиркор, янгиликка ўч. Ўтган йили «Оқ олтин» навини синов учун экишга ҳеч кимнинг юраги дов бермади. Фақат Ҳамроқулгина экди. Экдигина эмас, ишловини ҳам ўрнига қўйди.

Мана натижаси. Ҳамроқул Облоқулов бошлиқ бригада аъзолари ҳар гектар ердан 46,5 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олишга эришди. 289 тонна пахтанинг 202 тоннаси биринчи сортга қабул қилинди. Энг қувончлиси шундаки, «Оқ олтин» навининг ҳар бир тоннаси янги ГОСТ бўйича «Тошкент-1» навига нисбатан 155 сўм қиммат сотилди. Натижада бригада 45 минг сўм соф фойда олишга эришди. Колхозда ҳар бир кишига ишлаб топган бир сўмига 1 сўм 29 тийиндан мукофот берилган бир шароитда бу кўрсаткич Облоқулов бригадасида 1 сўмга 2 сўм 67 тийиндан ҳақ тўланди.

Бу йил хўжаликда мавжуд майдонларнинг ҳаммасига «Оқ олтин» навидан экиш мўлжалланмоқда. Ана шу навдан кузда гектар бошига 45 центнердан ҳосил етиштирилади. Адолат Рўзиматованинг марраси эса 65 центнер.

Мажбурият олиш осон. Аммо уни бажариш, ваъдага вафо қилиш қанчадан қанча беҳаловат кунлар, уйқусиз тунларни талаб қилади. Адолат Рўзиматова юксак марра, албатта, эгалланишига ишонади. Чунки унинг ёнида Асқарали Каримбердиев, Ёқубжон Умбатқулов, Ашурали Давронов, Суюнбой Турсунбоев, Мавжуда Эгамназарова, Насиба Мирҳамидова, Мастура Нарматова, Рўзихон Эгамбердиева, Адолат Қўзиева каби ўз касбини севган, заҳматкаш, мард сафдошлари бор.

К. РИХСИЕВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ

● МОСКВА

Москвадаги вакуум электр печлари заводида ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичи учун шахсий масъулият системаси жорий этилди. Энди тайёрлаш цехи илгари бўлганидек айрим деталларни эмас, балки ҳар бир конкрет буюм учун бутун бир деталлар тўпламини ишлаб чиқариш буюртмасини олади. Бунинг натижасида печларни монтаж қилиш учун барча зарур деталлар йиғув участкасига комплект тарзда келтирилмоқда. Бу — ишчиларнинг вазифаларини аниқ-пухта белгилаш, корхонага эса маҳсулот етказиб бериш интизомига қатъий риоя қилиш имконини берди.

● ПЕРВОМАЙСКИЙ

Харьков область, Первомайский районидаги «Коммунар» колхози чорвачиликда юксак самарадорликка эришди. Район агросаноат кенгаши ҳузурида ишлаб турган иқтисодий анализ бюроси ишлаб топилган маблағлардан омилкорлик билан фойдаланишга ёрдам берди. Шу бюронинг тавсияларига мувофиқ янги бинолар қуриш ўрнига кичик фермалар реконструкция қилинди. Бу ерда ўтган йили сарфланган ҳар бир сўм ҳисобига 71 тийин соф фойда олинди, гўшт ва сут етиштириш соҳасида эришилган кўрсаткичлар эса областдаги ўртача даражадан анча юқори бўлди.

● ҚОЗОН

Буинск қанд заводининг коллективи Татаристонда биринчи бўлиб янги қанд лавлаги ҳосилини қайта ишлашни тугаллади. СССР Олий Советига сайлов шарафига қабул қилинган социалистик мажбурият муддатидан илгари бажарилди: пландан ташқари уч минг тоннадан зиёд қандшакар ишлаб чиқарилди.

Корхонада қишлоқ хўжалик хом ашёсидан самарали фойдаланиб, нобудгарчиликни камайтиришга эришилди. Автоном республикадаги корхоналар шу тажрибадан фойдаланиб, мавсум бошидан буён планга қўшимча равишда етти минг тонна қанд-шакар ишлаб чиқарди.

● АСТРАХАНЬ

Астрахань областидаги «Сельхозтехника» Икряное район бирлашмасининг коллективи колхоз ва совхозларнинг чорвачилик фермаларига гарантияланган хизмат кўрсатиш вазифасини ўз зиммасига олди. Ремонтчилар район агросаноат бирлашмаси кенгашининг тавсиясига мувофиқ хўжаликлар билан шартнома тузиб, сут соғиш агрегатлари, холодильниклар, электр асбоб-ускуналарининг узлуксиз ишлашини таъминламоқдалар. Созловчиларнинг махсус бригадалари механизмларни кўздан кечириш ва шошилинч ремонт қилиш учун жойларга бормоқдалар. Шу туфайли фермаларда асбоб-ускуналарнинг ишдан чиқиш ҳоллари аслида тугатилди. Ҳозирги вақтда область хўжаликларининг учдан икки қисми хизмат кўрсатишнинг янги формасидан фойдаланмоқда.

(ТАСС).

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ФАКТЛАР • ШАРҲЛАР

СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ БОШЛИҒИ СЎЗГА ЧИҚДИ

СТОКГОЛЬМ, 5 март (ТАСС). Европада ишонч, хавфсизликни мустаҳкамлаш тадбирларига ва қуролсизланишга бағишланган Стокгольм конференциясининг ялпи мажлисида бугун Совет Иттифоқи делегациясининг раҳбари, алоҳида вазифаларни бажарувчи элчи О. А. Гриневский сўзга чиқди. У Стокгольм анжумани қатнашчиларининг диққат-эътиборини КПСС Марказий Комитети Бош секретари К. У. Черненконинг сайловчилар ҳузуридаги нутқида Европадаги ва умуман дунёдаги аҳвол хусусида айтилган муҳим фикрларга, Совет Иттифоқининг ядро уруши хавфини тугатиш ва тинчликни мустаҳкамлаш соҳасидаги ташаббусларига қаратди.

Бу ташаббуслар Стокгольм анжуманининг ишига бевосита тааллуқлидир, деди совет вакили. Стокгольм конфренциясида қатнашувчи ядровий давлатлар Совет Иттифоқининг намунасига эргашиб ўз зиммаларига ядро қуролини биринчи бўлиб ишлатмаслик мажбуриятини олсалар, ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлашга ёрдам берган бўлар эдилар. Бундай мажбурият барча ядровий давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг таъсирчан нормаларидан бири бўлур эди, К. У. Черненко ҳам шу ҳақда гапирди. Бундай мажбурият Европадаги ва қолаверса, халқаро миқёсдаги иқлимга жуда катта таъсир қилган бўлур эди. Агар биринчи зарба урилмаса, кейинги ядровий зарбаларга ҳам эҳтиёж бўлмайди, умуман ядро уруши бўлмайди.

Қўшилмаслик ҳаракати ҳафталиги

ТАЪСИРЧАН КУЧ

Жаҳон Тинчлик Кенгашининг даъвати билан биринчи март куни бошланган қўшилмаслик ҳаракати ҳафталиги бугун ниҳоясига етди. Ҳафталик блокларга қўшилмаган давлатларнинг тинчликни сақлаш, қуролсизланишга эришиш ҳамда социал иқтисодий тараққиётни таъминлашга қаратилган ташаббусларини қўллаб-қувватлаш шиори остида ўтди.

Америка Қўшма Штатлари маъмурияти олиб бораётган агрессив сиёсат туфайли халқаро вазият анча кескинлашган ҳозирги шароитда қўшилмаслик ҳаракати энг муҳим халқаро муаммоларни тезроқ ҳал этиш йўлини қидириб топиш мақсадида амалга оширилаётган ишлар халқаро жамоатчилик томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, қўшилмаган мамлакатларнинг кўпчилиги Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик давлатлар билан биргаликда ядро қуроли аслаҳахоналарининг кўпайтирилишига ва урушга қарши, қуролланиш пойгасини тўхтатиш ҳамда Ғарбий Европада Американинг янги ядро ракеталарини жойлаштиришга қарши курашмоқда. Қўшилмаслик ҳаракати намоёндаларининг Ҳинд океанини тинчлик зонасига айлантириш ва бошқа кўплаб тинчлик ташаббуслари шулар жумласидандир.

Маълумки, қўшилмаслик ҳаракати аъзоларининг Деҳли шаҳрида бўлиб ўтган анжуманида халқаро иқтисодий муносабатлардаги ҳозир мавжуд бўлган янги мустамлакачилик тартибларини тубдан ўзгартириш масалаларига тааллуқли таклифлар олға сурилган эди. Бундай тартиблар ривожланган капиталистик мамлакатларга ҳар йили ривожланаётган ёш мамлакатлардан миллиард-миллиард доллар фойда ундириб олиш имконини бермоқда. Америка Қўшма Штатлари ва унинг иттифоқчилари ривожланаётган ёш давлатларга ўтган йилнинг ўзидагина 85 миллиард доллар қарз берган эдилар. Айни пайтда улар илгари берилган қарзлари эвазига бу мамлакатлардан 95 миллиард доллар ундириб олдилар.

Қўшилмаган мамлакатларнинг фаолияти империалистик доираларнинг жиғига тегмоқда. Шу боисдан ҳам улар қўшилмаслик ҳаракатини парчалаб ташлаш ва қўпоришга уринмоқдалар. Қўшилмаслик ҳаракати намоёндаларининг 1983 йили Деҳлида бўлиб ўтган VII конференцияси ҳам империализмнинг ривожланаётган мамлакатларга нисбатан юргизаётган кирдикорларини фош қилиб ташлади.

Империалистик доираларнинг ривожланаётган мамлакатларга қарши зўравонлик хуружи авж олдирилаётганлигига қарамай, қўшилмаслик ҳаракатининг халқаро майдондаги обрў-эътибори ўсмоқда, унинг йирик халқаро анжуманлардаги овози тобора салмоқли эшитилмоқда. Халқаро миқёсда ўтказилган ва бугун ниҳоясига етган ҳафталик эса қўшилмаслик ҳаракати тинчликни сақлаб қолиш ва ядро ҳалокатининг олдини олиш учун курашда энг таъсирчан кучлардан бирига айланганини кўрсатди. Ҳиндистон бош министри, бетараф мамлакатлар VII конференциясининг раиси Индира Ганди айтганидек, бу обрўли ҳаракат халқларнинг манфаатларига мос бўлиб тушадиган тарзда тўғри йўлдан бормоқда».

Ф. МИНАДЗЕЛИ.

ЭРОН — ИРОҚ ФРОНТИДА

БАҒДОД, (ТАСС). Ироқ бош ҳарбий қўмондонлигининг ахборотида хабар қилинишича, Ироқ қўшинлари фронтнинг шимолий участкасида душман аскарлари ва техникасига талафот етказиб, унинг олға силжишини тўхтатиб қўйдилар. Басра шаҳридан шарқроқдаги районда ҳам жанг ҳаракатлари бўлиб ўтди. Фронтнинг барча участкаларида Ироқ авиацияси актив ҳаракат қилди.

Эрон артиллерияси, дейилади ахборотда, Басра, Мандали, Хонакин шаҳарларини ўққа тутди. Тинч аҳоли орасида ярадорлар бор, граждан объектлари шикастлантирилди.

НИКОСИЯ, (ТАСС). ИРНА (Эрон) ахборот агентлигининг хабарига кўра, Эрон ҳаво ҳужумидан мудофаа воситалари Ироқнинг битта самолётини уриб туширганлар. Эрон 22 февралда бошлаган ҳужум давомида Эрон — Ироқ фронтнинг жанубий участкасида Ироқнинг жами 13 та самолёти ва 11 та вертолёти уриб туширилган. Эрон томони берган баёнотлардан маълум бўлишича, мамлакат қуролли кучлари Ал-Хувайза ботқоғи районида Ироқ территориясидаги бир қанча позицияларни қўлда сақлаб турибдилар.

ЙЎЛДАГИ ҲАЛОКАТ

● ИСЛОМОБОД. Синд вилоятининг Навабшах шаҳридан 40 километрча нарида рўй берган автомобиль фалокатидан етти киши ҳалок бўлди ва 38 киши жароҳатланди. Покистондаги ППИ ахборот агентлигининг хабар қилишича, фожиа пассажир автобусини бошқара олмаган ҳайдовчининг айби билан рўй берган. Одамлар билан лиқ тўла автобус йўлдаги тўсиқни уриб юбориб каналга қулаб тушган.

(ТАСС).

САЛЬВАДОР ҚЎЗҒОЛОНЧИЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

САН-ХОСЕ. (ТАСС). Халққа зид америкапараст режимга қарши қуролли кураш олиб бораётган сальвадорлик қўзғолончилар яна ҳужумни кучайтириб юбордилар. Улар ўтган ҳафта давомида Санта-Ана, Ла-Либертад ва Сан-Мигель департаментларида бир қанча аҳоли пунктларини қўлга киритдилар, душманнинг 70 дан кўпроқ солдатини йўқ қилдилар. Қўзғолончилар марказий районларда бензин билан таъминловчи станцияларни, электр линияларини ва бошқа объектларни сурункасига икки кундан буён портлатмоқдалар. Фарабундо Марти номли Миллий озодлик фронти радиостанциясининг хабар қилишича, ватанпарварлар Сальвадорнинг бутун территориясида актив ҳаракат қилмоқдалар. АҚШ мададига қарамай режим қўшинлари мағлубиятга учрамоқдалар.

Айни вақтда Сальвадор пойтахтида саноат корхоналари ва давлат муассасаларининг ишчи ҳамда хизматчилари забастовка ўтказмоқдалар. Ахборот агентликларининг хабарларига қараганда, жазо чораларига қарамай, бу забастовкада 15 мингдан кўпроқ киши қатнашмоқда. Меҳнаткашлар иш ҳақи оширилишини ва меҳнат шароитлари яхшиланишини талаб қилмоқдалар. Маъмурлар забастовкани бостиришга уриниб, унинг қатнашчиларидан 500 дан кўпроқ киши «армияга чақирилганлигини» эълон қилдилар. Касаба союзлар намояндаларининг айтишича, бу найранг забастовкачиларни қамоққа олишдан бошқа нарса эмас.

Кузатувчиларнинг фикрича, Сальвадордаги воқеаларнинг ривожи 25 мартда ўтказиш эълон қилинган президент сайлови арафасида ҳукмрон режим позицияларининг кескин заифлашганлигидан далолат беради.

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС). Сальвадор режимининг бошлиғи Маганья АҚШга келди. Унинг мақсади —Америка ҳарбий ёрдамининг кўпайтирилишига эришишдан иборат. У ўз сафарини Сальвадорга қўшимча равишда 178 миллион доллар миқдорида маблағ ажратиш тўғрисида Оқ уй таклифининг конгрессда муҳокама этила бошланишига бағишлаган.

«Нью-Йорк таймс» газетасининг ёзишича, Техасдаги Сан-Антонио шаҳрида савдо палатаси уюштирган зиёфатда Маганья сўзга чиқиб, «Сальвадорга бериладиган ҳарбий ёрдамни қаттиқ шартлар билан писанда қилмасликни конгрессдан ялиниб илтимос қилди». У мамлакатда гўё ўнг террорни «чеклаш юзасидан тадбирлар амалга оширилаётганлигини» айтди. Бу сохта даъволарни «Нью-Йорк таймс» газетасининг ўзи рад этиб, сальвадорлик юқори мансабдаги арбоблар режимга қарши бўлган кишиларни ваҳшиёна жазолаётган ва «ажал эскадронлари» деб аталган қонли жиноятларга алоқадор эканликларини кўрсатди.

ҒАРОЙИБ ВОҚЕА

АРИЛАР ҲУЖУМИ

Пренсса Латина агентлигининг хабарига кўра, Панама шаҳрига яна арилар ёпирилди. Улар Африка қитъасидан учиб келган.

Арилар ўтган йилнинг сентябрь ойида ҳам бу ерга учиб келишган эди. Панама пойтахтининг энг катта кўчаларида арилар ниҳоятда кўп. Маҳаллий телевидение ўз эшиттиришларида ҳужум қилаётган арилардан ҳамда улардан аҳолини ҳимоя қилаётган ўт ўчирувчилар составининг ишини намойиш этди.

КАПИТАЛ ДУНЁСИДА

ПОЛИЦИЯЧИ ЎҒРИЛАР

Пуэрто-Риконинг маъмурий маркази Сан-Хуанда қулоқ эшитиб, кўз кўрмаган воқеа содир бўлди. Марказий полиция бошқармасининг сейфи ўғирланди, 200 минг доллар пул йўқолди. Криминалистлар ўғриларни полициячиларнинг ичидан қидириш лозимлигини айтмоқдалар.

Полиция бошқармаси махфий бўлимининг ўн тўрт ходимидан тўрт киши сейфнинг яширин номерини билган. Рейтер агентлиги мухбирининг қайд этишича, ўғриларни полициячиларнинг ўзидан қидириш лозим.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

«ЭРКИН ДУНЁ» ҚИЁФАСИ

ТАРТИББУЗАР ИШҚИБОЗЛАР

Француз матбуотининг хабарига кўра, Франция-Англия командалари ўртасидаги учрашув 2:0 ҳисобида майдон эгалари фойдасига ҳал бўлган. Бунда асосий эътибор учрашув натижасига эмас, балки, тартиббузар инглиз ишқибозларининг ишларига қаратилмоқда.

Учрашувга олти юз инглиз ишқибози келган. Улар бу ўйинга келаётиб сув кемаларида ва вокзалларда тартиббузарлик қилишган. Айниқса, «Парк де Пренс» стадионида келтирилган зарар алоҳида тилга олинмоқда. Учрашув тугагач, бу ерда 20 га яқин инглиз ишқибози қамоққа олинган. Париждаги телефон будкалари, баъзи бир автомобиллар англияликлар томонидан бузиб ташланган. 1975 йили ҳам улар мазкур стадионда шундай тартиб бузишган эди.

ҚИЗИЛҚУМДАН МАКТУБ

ЯЙЛОВ КЎРКИ

Қизилқум саҳросининг Урганч чўлига қарашли яйловларида ўзгача файз, таровват ҳукм сурмоқда. Бу яйловлардаги от ва туялар Газли районидаги Будённий номли совхозга қарашли. Йилқичилик ва туячиликка ихтисослаштирилган совхоз ташкил этилганига эндигина икки йил бўлди. Лекин шунга қарамай табиий озуқа мўл яйловларда туя ва отлар тобора кўпайиб боряпти. Улар концентрат ва ем-хашак билан қўшимча равишда озиқлантирилмоқда. Илитилган сув билан суғорилмоқда.

Биз совхоз директори Т. Тулегенов билан М. Артиқбаев, Б. Серикбаев, М. Арслонбаев, Ў. Арифбаев ўртоқлар бошлиқ туячилик ва йилқичилик бригадаларини айланганимизда қишлов уюшқоқлик билан чиқимсиз ва беталафот ўтаётганининг гувоҳи бўлдик.

— Менинг бригадамда дастлаб 30 бош туя бор эди, — дейди М. Артиқбаев. — Ҳозирга қадар уларнинг сони 86 тага етди. Туялардан бўталоқ олиш планини 155 процентга ўринлатдим. Ҳар туя ҳисобига 4,5—5 килограммдан қимматбаҳо жун олишга эришдим. Гўштга топширилаётган туяларимизнинг тирик вазни 400 килограммдан кам бўлмаяпти. Бу кузда тутилганидан 40 килограмм кўпдир. Олаётган даромадимиз ҳисобига бошқа хўжаликлардан бўталоқ ва туя харид қилишни давом эттиряпмиз. Йил охиригача бригадамизда туялар бош сонини 100 тадан оширамиз.

Р. Серикбоев бошлиқ бўлган йилқичилик бригадаси эришаётган ютуқлар, айниқса, салмоқли.

— Совхозимиз ташкил этилганда, — деди директор Т. Тулегенов, — ҳаммаси бўлиб 967 та туя, 363 та от бор эди. Партия ва ҳукуматимизнинг оталарча ғамхўрликлари туфайли хўжалигимиз мураккаб табиий шароитларга қарамай тез суръатлар билан ривожланмоқда. Меҳнатсевар ва аҳил коллективимиз чорва туёқ сонини кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш, ер ўзлаштириб, экин экиш ҳисобига озуқа базасини мустаҳкамламоқда. Туябоқар ҳамда йилқибоқарларнинг унумли ишлашлари ва яшашлари учун етарли шарт-шароит яратиш борасида қатор тадбирлар амалга оширилди. Ҳозир яйловларимиздаги туялар сони 1499 тага етди. Бўталоқларимиз сони эса 300 тадан ошиб кетди. Ўтган йили 100 туя ҳисобига 80 тадан бўталоқ олинди. Йилқичиликдаги ютуқларимиз ҳам чакки эмас. Шу кунларда ферма ва яйловларда 420 та йилқи бор. Ҳар юз биядан 60—65 тадан той оляпмиз. Келгусида бу кўрсаткични 70—75 тага етказамиз.

Совхоз маъмурияти туя ва отларнинг маҳаллий шароитга бардошли ва маҳсулдор зотларини кўпайтиришга ҳаракат қилаётир. Яқинда Жиззахдан оғир юк тортувчи зотли отлар харид қилинди. Келгуси йилларда туялар сони 3 минг бошга, йилқилар эса 2 минг бошга етказилади. Ҳар йили шаҳарликларга 50 тонна шифобахш шубот ва қимиз етказиб бериш мўлжалланаётир.

Ҳ. ҚОДИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЗАМИН ФАРЗАНДИ

ЮРИЙ ГАГАРИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА

Юзида табассум аримайдиган Юрий Гагарин қалбимизда абадий яшайди.

ЁРҚИН ҲАЁТ САТРЛАРИ

* Ю. А. Гагарин 1960 йил йил мартида космонавтлар отрядига қабул қилинди. Бу ерда фазо парвозига тайёргарлик кўриш программасига биноан доимий машғулотлар бошланди.

* Ю. А. Гагарин 1960 йил июнида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси сафига кирди.

* Ю. А. Гагарин 1961 йил январида ракета-космик системасининг бош конструктори С. П. Королёв билан биринчи марта учрашди.

* 1961 йил 8 апрелда давлат комиссияси Н. П. Каманин таклифига биноан катта лейтенант Юрий Алексеевич Гагаринни космик фазога биринчи бўлиб парвоз қилишга номзодликка тасдиқлади.

* Ю. А. Гагарин 1961 йил 12 апрелда жаҳонда биринчи бўлиб фазога парвоз қилди. У «Восток» космик кемасида 108 минут давомида Ер шарини айланиб чиқди ва эсономон она диёрга қайтиб келди.

* Ю. А. Гагарин Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIII съезди делегати эди. У съезд президиумига сайланди.

* Ю. А. Гагарин 1966 йилда Астронавтика ва фазо бўшлиғи бўйича халқаро академиянинг фахрий аъзоси бўлди.

* Ю. А. Гагарин 1968 йил февралида Москвадаги Н. Е. Жуковский номли Ҳарбий-ҳаво академиясини аъло баҳолар билан битирди ва жаҳонда биринчи бўлиб, учувчи-инженер-космонавт дипломини олди.

* Ю. А. Гагарин олтинчи ва еттинчи чақириқлар СССР Олий Совети депутатлигига сайланган эди.

* Юрий Алексеевич Гагарин 1968 йил 27 мартида Владимир область Киржачск районидаги Новосёлово қишлоғи яқинида машқ тариқасида самолётда учаётганида ҳалок бўлди. У Москва Қизил майдонига дафн қилинган.

* 1968 йилда халқаро авиация федерацияси Ю. А. Гагарин номли олтин медаль таъсис этди.

* РСФСР Олий Совети Президиуми Гагарин хотирасини абадийлаштириш мақсадида Смоленск областидаги Гжатск шаҳри ва районини Гагарин шаҳри ва райони деб қайта номлади. Монинодаги Қизил байроқли Кутузов орденли Ҳарбий-ҳаво академияси ҳозир Гагарин номи билан аталади.

БИРИНЧИ КОСМОНАВТ ШАРАФИГА

СССР Космонавтика федерацияси биринчи космонавт туғилган куннинг 50 йиллигини нишонлаш юзасидан Ю. А. Гагарин номидаги юбилей медалини таъсис этди. Бу медаль билан ракета-космик техникани яратувчи, космонавтлар тайёрлашда, космик аппаратларни синаб кўриб ва учиришда қатнашувчи олимлар, конструкторлар, инженерлар, космонавтлар ва бошқа мутахассислар мукофотланади.

Медаль космонавтикани ривожлантиришдаги, космосда халқаро илмий ҳамкорлик ишидаги катта хизматлари учун чет давлатларнинг гражданларига ҳам берилиши мумкин. Юбилей медали билан космонавтика ютуқларини пропаганда қилишга катта ҳисса қўшаётган ёзувчилар ва журналистлар ҳам тақдирланади. Медаллар ҳар йили Юрий Гагарин туғилган кун — 9 мартда, Космонавтика куни — 12 апрелда, шунингдек космик тадқиқотлар билан шуғулланаётган олимлар ва мутахассисларнинг халқаро анжуманларида топширилади.

(ТАСС мухбири).

ЖАСОРАТ ЙЎЛИ

«Совет Ўзбекистони» газетаси фотоархивидан. Юрий Гагарин Тошкентда.
В. Сироткин фотоси.

АЖОЙИБ замондошимиз Юрий Алексеевич Гагарин ниҳояти ўттиз тўрт йил умр кўрди. Лекин шу қисқа вақт ичида она-Ернинг барча мамлакатлари ва халқлари учун энг азиз сиймога айланди.

Унинг ҳаёт йўли мангуликка дахлдордир. Буни социалистик тузумимиз, совет воқелигимиз белгилаб берган. Маълумки, инсоният олис сайёраларга учишни минг-минг йиллардан буён орзу қилиб келган. Бу ҳақда хассос ёзувчилар қатор фантастик асарлар ёзишган. Буюк ватандошимиз Константин Эдуардович Циолковский бу орзуларни реал ҳақиқатга айлантириш учун неча-неча йилларни бедор ўтказган.

Не бахтки, бизнинг кўз ўнгимизда асрий орзулар рўёбга чиқди. Бу орзулар эшигини бизга улуғ Ленин, шонли Октябрь очиб берди.

Доҳиймиз замондошлари космонавтика асри тонготарида Владимир Ильич Ленин айтган ушбу сўзларни қайта-қайта эсга олишган:

«...Баъзи ўртоқлар космонавтиканинг порлоқ истиқболига ишонишмаяпти, — деган эди у ўзига хос жўшқинлик ва комил ишонч билан. — Мен бунга ишонаман! Чуқур ва қатъий ишонаман... Орадан йигирма, ўттиз йил, борингки эллик йил ўтар, совет кишиси, айни совет кишиси афсонавий саёҳатни бошлаб бериши аниқ».

Доҳий коинот истиқболи ҳақидаги фикрини давом эттириб, яна бундай деган эди: «Циолковский ёзаётган нарсаларнинг ҳаммаси реал бўладиган бўлса биз мисли кўрилмаган кашфиётлар арафасида турибмиз... Унга ёрдамлашиш керак. Албатта ёрдам бериш керак».

Доҳийнинг кўрсатмаси билан инқилобчи Ф. Н. Петров Калугага бориб, олимнинг моддий аҳволи билан танишди. У губерна ўқитувчисининг коинот ҳақидаги суҳбатларини тингларкан, Совет ҳокимиятининг илк зафарларини зўр эҳтирос билан ҳикоя қилиб берди.

Шу пайтгача одамлар кекса ўқитувчини хом хаёл деб масхара қилиб келишган. Энди бўлса, Совет ҳукуматининг раҳбари унинг ишлари билан танишгани ўзининг ишончли вакилини юборибди. Бундан ҳаяжонланган олим шундай деганди:

— Мен шу пайтгача бутун ташқи дунёдан ажралган ҳолда, бамисоли космик кемада яшаб келган эдим. Мана энди худди Ерга тушгандай бўлдим. Космосга биринчи парвоз тахминан яна юз йилдан кейин бўлади, деб юрардим. Йўқ, янглишган эканман. Анча олдин бўлади. Космосга биринчи бўлиб рус кишиси чиқади.

Космос бутун инсоният ҳаётидан мустаҳкам ўрин олган, жамики мамлакатларнинг зукко олимлари лабораторияларида зўр бериб тадқиқ қилинаётган ҳозирги пайтда яна бир фактни эслагинг келади. Америка журналисти Жэрилин Бехтел «Космик парвозлар тарихи, шубҳасиз, 1957 йил октябрь ойида Совет Иттифоқида учирилган биринчи спутникдан бошланади, — деганида тамомила ҳақли эди. Шу пайтдан бошлаб ҳақиқатан ҳам бизнинг мамлакатимиз коинот сирларини ўрганишда муттасил биринчи бўлиб келмоқда. Биз биринчи бўлиб Ернинг сунъий йўлдошини учирдик, биринчи бўлиб Ойнинг кўринмас томонини суратга туширдик. Биринчи бўлиб бизнинг автомат станциямиз Ойга юмшоқ қўнди. Биринчи бўлиб биз Ойнинг сунъий йўлдошини яратдик. Биринчи бўлиб бизнинг мамлакатимизда совет кишиси космосга парвоз қилди. Коинотда гуруҳ-гуруҳ бўлиб ва биргаликда учишларни биз биринчи бўлиб амалга оширдик. Биринчи бўлиб совет кишиси очиқ космосга чиқди. Биринчи бўлиб бизнинг кемаларимиз фазода туташтирилиб, орбитал станциялар бунёд этилди. Бизнинг автомат космик станциямиз биринчи бўлиб Ой жинсини ерга олиб тушди. Оймома узра биринчи бўлиб бизнинг Луноходимиз сайр қилди.

Космонавтика тарихини яратган улуғ сиймолар орасида Юрий Гагарин алоҳида ажралиб туради. Зотан, у дунёда биринчи бўлиб ер куррасини коинотдан туриб кузатди. Бу оламшумул парвоз бутун инсониятга мансуб сўнмас жасоратга айланди.

1961 йил 12 апрелдан буён коинотга юздан ортиқ фазогирлар парвоз қилишди. Улар янги-янги рекордлар ўрнатишди. Лекин илк бор Юрий Гагарин ўрнатган жаҳон рекорди инсоният хотирасида абадул-абад муҳрлаб қўйилган.

ЮРИЙ ГАГАРИНнинг таржимаи ҳоли оддий замондошлариникидан қолишмайди. Мана унинг айрим саҳифалари: «1941 йили Клушинск тўлиқсиз ўрта мактабининг биринчи синфига ўқишга кирдим. Аммо немис фашистларининг бостириб кириши натижасида ўқиш бўлиниб қолди». 1943 йил 9 март. Совет қўшинлари Гжатск районини озод қилишди. «Икки йиллик танаффусдан кейин яна мактабга йўл олдим». Оч, юпун, доимий отишма ва бомбардимонларга кўникиб қолган болакайлар саводни фронт газеталари, ҳарбий плакатлар ва варақаларни ўқиб чиқаришган эди. Ҳақиқий ҳаёт мактабини улар шу тариқа ўташди.

1946 йил 4 ноябрь. Юрани пионер сафига қабул қилишди. Энди у Пионерлар уйидан бери келмай қолди. Драма тўгарагининг актив иштирокчиси сифатида ўқувчилар қўйган спектаклларда катта-кичик ролларни ижро этди. Хуллас, «менинг ёшимдаги болаларнинг ҳаммаси каби яшадим». Бир куни мактабда ўтказилган адабий кечада Александр Фадеевнинг «Ёш гвардия» романидан она ҳақидаги парчани декламация қиларкан, худди ўз онаизорига мурожаат этаётгандек ҳаяжонланиб, кўзларидан дув ёш тўкилганини ҳам сезмади.

1948 йил. Олтинчи синфни битириб, Люберцидаги ҳунар билим юртига ўқишга кирди. Аммо ҳаво лочини бўлиш орзуси уни канда қилмади. Дафтаридаги ушбу ёзувлар ҳам шундан далолат бериб турарди: «Ер — ақл-идрок бешиги, лекин бу бешикда абадул-абад яшаш мумкин эмас. Циолковский».

Орадан бир йил ўтиб, Юрий Гагарин Ленин комсомоли сафига қабул қилинди. Айни пайтда кечки мактабда ўқишни давом эттирди. 1951 йил август ойида Саратов индустриал техникуми директори номига ёзган аризасида ушбу сўзларни битди: «Ватанимга мумкин қадар кўпроқ наф келтиришни истайман. Барча талабларни ҳалол ва сўзсиз бажаришга сўз бераман».

Биринчи стипендияни олиши биланоқ онасига совға олиб, унга шундай мактубни қўшиб юборди: «Онажон, ўқишни эндигина бошлаб юбордим. Вақти келиб, малакали мутахассис бўлиб етишаман, топган ойлигимни каму-кўстсиз Сизга юбориб тураман. Ўшанда ҳозиргидек толиқиб ишлашдан ҳалос бўласиз».

Юрий Гагарининг ота-онаси унинг 1953 йил 17 январда ёзган хатини олиб ҳайрон қолишди: «Техникумда ўқишни давом эттириш билан бирга умр бўйи кўнглимга тугиб юрган орзумни рўёбга чиқаришга ҳаракат қилмоқчиман — учувчи бўлмоқчиман». Кейинги йили техникумни аъло баҳолар билан битирди. Уни Москвадаги пўлат ва қотишмалар институтига ўқишга таклиф этишди. Аммо фазогирлик орзуси устун чиқди. «Онажон! Сиз менинг жону-жаҳонимсиз. Ажойиб меҳнаткаш қўлларингизни, нур ёғилиб турган чеҳрангиздаги ажинларни, сочларингизнинг оқини бениҳоя ардоқлайман. Менинг ҳақимда сира қайғурманг». Бу мактуб уйдагиларни озмунча ташвишга солмади.

1955 йил 3 июль. Саратов область «Заря молодежи» газетаси мухбири Евгений Петровнинг хабари босилиб чиқди. «Эртасига дўстларим сўраб қолишди:

— Газетада сени ёзиб чиқишибди, хабаринг борми?

Газетани аэродромда тополмадим. Бир ҳафтадан кейин шаҳарга тушганимда топдим. Унда менинг парвозим ҳақида бир неча сатр битилган эди. Исми шарифим ёзилиб, суратим эълон қилинганди. Кабинада ўтириб олиб, қўлимни кўтарганча учишга рухсат сўраётган пайтим акс этганди. Сурат қачон олинди-ю, хабарни ким ёзди — менга қоронғи эди. Чамаси, учиш раҳбари Дмитрий Павлович буни уюштирган эди. Демак, унинг ишончини оқлашимга ишонганда. Матбуотда илк бор мадҳ этилиш инсоннинг ҳаётида катта аҳамиятга эга бўларкан. Газетада ўз номимни кўриш жуда-жуда ёқимли эди. Айни пайтда ўртоқларим олдида нега энди келиб-келиб худди мени ёзишган экан деб бироз ноқулай аҳволга тушдим. Газетанинг шу сонини уйимга юбордим. Онамнинг хатида бундай сатрлар бор эди: «Ўғилгинам, сен билан фахрланамиз... Лекин эҳтиёт бўл, кеккайиб кетма...»

Орадан кўп ўтмай, аэроклубдаги самолётлардан бирида ёнғин чиқди. Гагарин ҳаётини хавф остида қолдириб, ёнаётган кабина ичидан ўртоғини олиб чиқиб, самолётни ўчиришга киришди. Бу ҳақда аэроклубда чиқадиган «Чақмоқ» газетаси хабар қилган эди.

Ўша йили октябрь ойида Оренбургдаги учувчилар билим юртига қабул қилинди. Кейинчалик Оренбург телевидениеси кўрсатувида иштирок этиб, мухбирнинг саволига бундай жавоб қайтарди: «Бу ерда менинг ёшлигим ўтган, шу ерда учувчилар билим юртини битирдим, яхшигина учишни ўргандим. Шу ерда севгилимни учратиб, унга уйландим».

1957 ЙИЛ 4 ОКТЯБРЬ куни Гагарин бўлинмаси аэродромда эди. Имтиҳон олдидан машқлар ўтказилаётганди. Кечқурун Ленин хонасида дастлабки йўлдош учирилгани ҳақидаги ТАСС ахборотини эшитди. Шу куни сира ухлаёлмади. Космос ҳақида, самога парвоз ҳақида бири-биридан ғалати фикрлар миясини чулғаб олди. 27 октябрь куни Чкалов шаҳар ЗАГС бўлимида Юрий Гагарин билан Валентина Горячева никоҳдан ўтишди. 5 ноябрь куни СССР Мудофаа министрининг буйруғига биноан унга лейтенант ҳарбий унвони берилди. Эртасигаёқ ўз илтимоси билан Узоқ Шимолда ҳарбий хизматни давом эттиргани йўлланма олди.

1959 йил 4 октябрь. «Космик тадқиқотлар кенгайтирилаётганлиги муносабати билан илмий изланишлар олиб бориш учун учувчилар талаб қилиниши мумкин. Шу муносабат билан имкони бўлса, мени махсус тайёргарлик кўриш отрядига юборишингизни сўрайман», деб рапорт ёзди. 22 октябрь куни Юрий Гагарин билан яна уч учувчи Москвага командировкага юборилди.

1961 йил 17 январь. Дастлабки имтиҳонлар бошланди. 24 март. Н. П. Каманин бошчилигида космонавтлар группаси Бойконурга учиб келди. 30 март куни Ю. А. Гагарин ва бошқа бўлғувси космонавтлар Москвада, Қизил майдонда, В. И. Ленин Мавзолейида бўлишди. 3 апрель тушки соат учда Н. П. Каманин Юлдузкентга келиб, Совет ҳукумати инсоннинг космосга парвози ҳақида қарор қабул қилганини айтди.

12 апрель. Эрталаб соат олти яримда космонавтлар белгиланган жойга етиб келишди. Гагарин Давлат комиссияси Раисига доклад қилгач, радио ва матбуот учун баёнот берди. Соат тўққиздан етти минут ўтганда тарихий парвоз бошланиб, бир юз саккиз минут давом этди.

Ўша кунги ҳис-ҳаяжон одамлар хотирасида бир умр муҳрланиб қолганидан бу тафсилотларни такрорлаб ўтириш ортиқча туюлди.

ИНСОН ҲАЁТ даврида Гагарин сазовор бўлган шон-шуҳратларга камдан-кам эришади. Жаҳон нигоҳи ўзига қаратилганлигини у яхши биларди. Социалистик тузум туфайли бундай шарафга эришганлигини тушунарди. У ҳаётдаги турли қийинчиликларга ҳам, шон-шуҳрат «юки»га ҳам коммунист сифатида бардошли эди. Чақмоқдек чақнаб, момақалдироқдек умр кечирган бу инсон ҳамиша замин фарзанди бўлиб қолди, тириклигидаёқ ўзига ҳайкал ўрнатди.

Ер курраси бизнинг кўзимизга ниҳоятда чексиз, ҳудудсиз кўринса-да, космосдан ниҳоятда кичик ва нозик кўринишини таъкидлаган Юрий Гагарин уни авайлаб эҳтиёт қилишни, қирғинбарот урушлардан омон сақлашни астойдил уқдирарди. Американинг машҳур жамоат арбоби Рокуэлл Кент «Инсоният Юрийнинг парвози кунини ялпи тинчлик куни сифатида нишонлаши керак» деганида тамоман ҳақли эди.

Абдукарим НАБИХЎЖАЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
16 МАРТДАН БОШЛАБ
ЯНГИ ПРОГРАММА СОВЕТ ЦИРКИ УСТАЛАРИ
ИККИ БЎЛИМДАН ИБОРАТ КАТТА ПРОГРАММА

Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари соат 16, 19.30 да, якшанба кунлари соат 12, 15, 18.00 да бошланади.
ОЛДИНДАН БИЛЕТ СОТИШ КАССАСИ ОЧИЛГАН.
Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда.
КОРХОНА, ТАШКИЛОТ, ФАБРИКА, ЗАВОД ВА ЎҚУВ МУАССАСАЛАРИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ УЧУН КАССИРЛАР ЮБОРИЛАДИ.
Касса соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.
Справкалар олиш учун телефонлар: 44-35-91 (касса), 44-35-84 (администратор).

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА
«А» классининг биринчи лига командалари ўртасида
ХОККЕЙ
7 МАРТДА
«БИНОКОР» (Тошкент) — «ДИНАМО» (Харьков)
10, 11 МАРТДА
«БИНОКОР» (Тошкент) — «ДИНАМО» (Минск)
Ўйинлар шанба ва якшанба кунлари соат 17.00 да, иш кунлари соат 18.30 да бошланади.
Билетлар «Юбилей» Марказий спорт зали кассаларида сотилмоқда.
46-03-12, 46-70-31, 47-07-53, 46-68-77 телефонлари бўйича справкалар олиш мумкин.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ В. В. КУЙБИШЕВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД КООПЕРАТИВ ИНСТИТУТИ
вакант вазифаларга
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Кафедра доцентлари: илмий коммунизм, савдо иқтисоди (2 ўрин), озиқ-овқат моллари товаршунослиги, бухгалтерия ҳисоби (2).
Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.
Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: Самарқанд шаҳри, Коммунистическая кўчаси, 41-уй, кадрлар бўлими.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 7/III да **Концерт,** 8/III да **Байрам концерти,** 9/III да **Наврўз.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 7/III да **Ғийбат,** 8/III да **Келинлар қўзғолони** (12.00), **Олтин девор** (19.30), 9/III да **Ғариблар.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 7/III да **Заҳар ичган даъвогар,** 8/III да **Байрам концерти,** 9/III да **Хотинимнинг эри.**

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети коллегияси, партия ва касаба союз ташкилотлари маҳаллий эшиттиришлар Бош бошқармасининг бошлиғи, коллегия аъзоси А. Азимжоновга опаси

Латофатхон
УСМОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Тошкент давлат университети ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари педагогика кафедрасининг мудири, профессор Р. У. Усмоновга онаси

Хайринисо
АБДУҚОДИРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

МИХ ЎРНИДА ЕЛИМ

Эстониялик бинокорлар биронта ҳам михсиз мураккаб ёғоч иншоот қурдилар. Тўғри уларнинг вазифаси қадимги меъморларникидан бирмунча оддий: минерал ўғит, ёмғир ва шамолдан пухта ва шу билан бирга содда ҳимоя этишни таъминлашдан иборат эди. Шунда Таллин политехника институтининг олимлари ишлаб чиққан ғаройиб елим ёрдам берди.

— Бундай қурилишлар пишиқликдан ташқари емирувчи буғланишларга чидайдиган ҳам бўлмоғи лозим эди, — дейди янги бинокорлик материалларини яратиш ишларининг раҳбари П. Кристьянсон. — Бу ишга металл ярамайди. У тезда занглайди ва пухта иҳота воситасини талаб этади. Биз қишлоқ қурувчиларининг буюртмаларига биноан хилма-хил елим ва смолаларни ишлаб чиқдик. Улар ҳар қандай шаклдаги деталларни пухта бириктиришдан ташқари ёғоч ғовакларига кириб қотиб қолади.

Шундай иншоотларнинг мустаҳкамлигини бундан бир неча йил аввал Эстониянинг Рапла районида дарё орқали ташланиб «елимланган» кўприк мисолида кўриш мумкин. Бу елимдан уй-жой қурилишида, иссиқлик изоляцияловчи материалларни маҳкамлашда, пол қоплашда ҳам фойдаланилади. Эстониялик химиклар сланецни қайта ишлаш маҳсулларидан янги материаллар учун хом ашё сифатида фойдаланяптилар. (ТАСС).

ХУШХАБАРЛАР

КОНСЕРВА ЗАВОДЛАРИНИНГ ЯНГИ МАҲСУЛОТИ

«Ўзбекбирлашув» консерва заводларида янги маҳсулот ишлаб чиқаришга тайёргарлик тугалланди. Озиқ-овқат маҳсулотларининг 6 тури кўпайди. Масалан, қишлоқ магазинларига қовоқдан тайёрланган жем сотила бошлайди. Бу маҳсулотни Қўқон ва Денов консерва заводларида ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. Республика қишлоқ матлубот кооперацияси корхоналарида мураббо, шарбат, маринад, тузламаларнинг жами юз тури ишлаб чиқарилади.

ПОМИДОР ПИШДИ

Ғиждувон районидаги С. Айний номли колхознинг теплица комплексида помидорнинг дастлабки ҳосилини териб олишга киришилди. Хўжаликнинг 6 гектар янги теплицаси бор. Бу ерда сабзавот экинлари билан бир қаторда лимон ҳам ўтказилади. (ЎзТАГ).

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

7 МАРТ, ЧОРШАНБА

МОСКВА-I 9.00 — Время. 9.40 — Ёрқин йўл. Бадиий фильм. 11.15 — Саёҳатчилар клуби. 12.55 — 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.50 — Рус тили. 16.20 — ... 16 ёшгача ва ундан катталар. 17.05 — Драматургия ва театр 18.00 — Халқ чолғу оркестри чалади. 18.20 — Спорт ҳафталиги. 18.50 — Н. Некрасов. Рус аёллари. 19.25 — Дунё воқеалари. 19.40 — Қувноқ нотачалар. 19.55 — Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт. Танаффус пайтида. Время. 23.15 — Футбол. Динамо (Минск) — Динамо (Бухарест).

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Телевизион фильм. 11.05 — Илмий-оммабоп фильм. 12.05 — Сиз яратган боғ. 13.10 — Дарсга йўл. Телевизион очерк. 13.40 — Илмий-оммабоп фильм. 14.25 — Беш оқшом. Бадиий фильм. 16.05 — Ф. Шуберт. 9-симфония. 16.00 — 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — СССР халқларининг қўшиқлари ва рақслари. 19.15 — Онамларнинг мактаби. 19.45 — Дунё ва ёшлар. 20.20 — Рим карнавали. 20.45 — Концерт. Танаффус пайтида «Время». 22.15 — Футбол. Динамо (Минск) — Динамо (Бухарест). 23.00 — Она ва ўгай она. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 11.00 — Ахборот. 11.20 — Телефильм. 11.30 — Фильм-концерт. 12.00 — Сўз кетидан сўз келар. 12.20 — Сибирь жилолари. 13.00 — Биз қувноқ ва шодон яшаймиз. 13.40 — 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Концерт. 19.25 — Ахборот. 19.55 — Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланган тантанали йиғилиш. 21.30 — Время. 22.05 — Механик Гавриловнинг маҳбубаси. Бадиий фильм. 23.30 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 17.00 — МОСКВА-II. 18.00 — Янгиликлар. 18.10 — У ерда, дарё ортида. Бадиий фильм. 19.25 — Ахборот. 19.55 — Қўшиқ билан одимлаймиз. 20.45 — Сенинг бўёқларинг, Молдова. Телефильм. 21.00 — Шундай аёллар яшайди. 21.30 — МОСКВА-II.

8 МАРТ, ПАЙШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Молдаван гобелени. 10.10 — Бугун халқаро хотин-қизлар куни. 10.55 — Оналаримизни қутлаймиз. 11.30 — Футбол: УЕФА кубоги. Андерлехт (Бельгия) Спартак (Москва). 13.00 — Шоирлар ўз шеърларини ўқийдилар. 13.30 — Рус жилолари. 14.30 — Дунё воқеалари. 14.45 — Футбол бўйича кубок эгаларининг кубоги. Порто (Португалия) — Шахтёр (Донецк). 16.15 — Юз қувонч ёки, буюк кашфиётлар китоби. Бадиий фильм. 17.20 — Цирк майдонида. 18.25 — Фильм-концерт. 19.05 — Мультфильм. 19.30 — Балли, қизлар. 21.30 — Время. 22.00 — Байрам концерти. 24.00 — Янгиликлар.

МОСКВА.II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Ҳужжатли фильмлар. 10.15 — Ф. Шопен асарлари. 10.50 — Оила ва мактаб. 11.20 — Мультфильмлар. 11.50 — Дўстларимиз премьералари. 12.20 — Буюк халқ ҳақиқати. 13.15 — Саёҳатчилар клуби. 14.15 — Донолик алифбеси. 15.20 — Останкино концерт студиясида шоира Ю. Дрюнина билан учрашув. 16.40 — Сахий оқшом. 17.00 — Тўпли хоккей: «Динамо» (Москва) — Динамо (Олмаота). 17.50 — Ўз ҳисобидан отпуска. Бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар. 20.00 — Қўшиқдан рақсга. 20.45 — Ҳужжатли фильм. 20.55 — Концерт. 21.30 — Время. 22.00 — Аёллар. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Ахборот. 10.20 — Мультфильм. 10.40 — Фильм-концерт. 11.40 — Телефильм. 12.00 — Иқбол. 13.30 — Садоқатни синаш. Бадиий фильм. 18.00 — Янгиликлар. 18.05 — Мультфильм. 18.15 — Ҳар доим бўлсин онам! 18.45 — Байрам айёмида чеҳралар гулгун. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Телевизион миниатюралар театри. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Гулшанаро гулчеҳралар. 21.30 — Время. 22.00 — Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланган байрам концерти.

ТОШКЕНТ-II. 18.15 — Баҳор тароналари. 18.10 — Қайнона. Бадиий фильм. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Қўшиқлар, рақслар, ҳазиллар. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Аёллар, Сизлар учун. 21.30 — МОСКВА-II.

РАДИО

7 МАРТ, ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ҳ. Ниёзий шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 9.30 — Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар ва режалар. 11.15 — Иқтисодий билимлар радиоуниверситети. 11.25 — Д. Сайдаминова асарларидан концерт. 12.10 — Ўзбекистон индустриальний. 13.00 — Чорвадор. 14.00 Маккажўхори ҳосилдорлигини ошириш тажрибасидан. 19.55 — Москва. Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт. ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театридан олиб эшиттирилади.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент-П. Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-11-49, 32-54-13.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР